Чубоева Озодахон Қувонбековна

# ҲУҚУҚШУНОСЛИК

фанидан

## УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Наманган - 2012

Чубоева Озодахон Қувонбековна

# ҲУҚУҚШУНОСЛИК

## фанидан

## *УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*

Наманган - 2012

Мазкур укув услубий қулланма ҳозирги кунда хукукий онг ва хукукий маданиятни такомиллаштириш давр талаби булганлиги сабабли долзарбдир. Барча турдаги укув юртларида хукукшунослик курсини ўзлаштириш учун тавсия этилади. Ушбу услубий қулланма нафақат укув юрти талабалари балки, жамиятимиздаги барча фуқаролар учун ҳам укув услубий қулланмаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ноюридик мутахассислик йўналишлари учун

Такризчи: Наманган Давлат университети
ижтимоий-иқтисодий факультети
ҳуқуқшунослик кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент
М.Акаева

Муаллиф: Наманган Давлат университети
ҳуқуқшунослик кафедраси
катта укитувчиси
О.Чубоева

*Ўкув услубий қўлланма Наманган Давлат университети Укув -услубий* Кенгашининг 2012 йил 30 январдаги № 6-сонли мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

AMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
nborot-resurs markazi
21015

# 1-МАЪРУЗА. ҲУКУҚШУНОСЛИК ФАНИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. Ҳукукшунослик фанини-фан сифатида урганилиши, мақсади.
2. Ҳукукшунослик укув фанининг мавзуи, урганиш усуллари.
3. Ҳуқуқшунослик ўкув фанининг ижтимоий фанлар системасидаги (тизимидаги) урни ва унинг долзарб аҳамияти.
4. Ҳукук тизими, ҳуқуқ соҳалари тушунчалари
5.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалкимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир" номли асарларидан келиб чиққан ҳолда фаннинг мақсади ва вазифаси.

Ҳуқуқнинг узига эса ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади».

Сузни фан тараккиётининг ҳар бир босқичи ҳамиша унинг предметини қараб чикиш заруратини тақозо этишини таъкидлашдан бошлаймиз. кадим замонлардан (эрамизнинг 1-асри урталаридан) бизгача етиб келган *«буюклик тўғрисида» деб аталувчи асарида* шундай жумлалар бор: «Ҳар бир илмий кулланма олдига икки талаб: биринчидан, тадкикот предметини аниклаб олиш; иккинчидан, ушбу предметни узлаштиришга кумаклашувчи усул - воситаларини топиш ва курсатиб бериш талаби қуйилади. Бу ўринда иккинчи талаб уз аҳамиятига кура муҳимроқ бўлсада, тартибга кура кейинги ўринда туради».

Дарҳақиқат, ҳар қандай фан уз предметига ва уни эгаллаш усулига эга булиши керак.

Ҳар бир фан (ёки укув фани)нинг предмети - у урганадиган масалалардан иборат бўлади.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг предмети давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳаракатда булишининг энг умумий тушунчаларини урганишдан иборат. Давлат ва ҳуқуқ аослари фанида давлат ва ҳуқуқнинг айрим жиҳатларига тегишли булган қандайдир алоҳида урганилиб, уларни умумийликда хулосаланади. Шундай килиб, у бар давлат-ҳукук ҳодисалари ва жараёнлари учун умумий тушунчалари ҳақида ижтимоий тушунчалар шаклланади Давлат ва ҳуқуқ асосларини урганиш усуллари бир неча турларга булинади. Булар тарихийлик, мантиқийлик, статистика, ҳуқуқийлик, математик ва бошқа усулларидан иборат.

Хулоса қилиб, ҳуқуқнинг интегратив таърифини келтирамиз. Ҳукук - жамиятда тан олинган ва расмиий муҳофаза билан таҳминланган тенглик ва адолат меъёрлари, эркин хоҳиш иродаларни мутаносиблаштирувчи, уларнинг ўзаро курашларини ҳамда ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар мажмуидир.

1-мавзу. Ҳуқуқшунослик фани тушунчаси

(маъруза –2 соат, амалий машғулот – 2 соат )

*Маърузани олиб бориш технологияси*

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25-30та | *Укув соати – 2 соат* |
| Машғулот шакли | *Кириш-мавзу буйича маъруза* |
| Маъруза режаси | 1. Ҳуқуқшунослик фанини- фан сифатида ўрганилиши, мақсади.<br>2. Ҳуқуқшунослик ўқув фанининг мавзуи, ўрганиш усуллари.<br>3. Ҳуқуқшунослик укув фанининг ижтимоий |

| | |
|---|---|
| | фанлар системасидаги (тизимидаги) урни ва унинг долзарб аҳамияти.<br>4. Ҳукук тизими, ҳукук соҳалари тушунчалари<br>5. Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир" номли асарларидан келиб чиккан ҳолда фаннинг максади ва вазифаси. |
| Укув машгулотининг максади | *Укув курси ҳақида умумий тасаввурни бериш.* |
| Педагогик вазифалар: | укув фаолияти натижалари: |
| □ Ҳукукшунослик бўйича умумий тушунчалар бериш.<br>□ Ҳукукшунослик укув фанининг мавзуи, ургаииш усулларини таҳлил килиш.<br>□ Ҳукукшунослик укув фанининг ижтимоий фанлар систeмасидаги (тизимндаги) ўрни ва унинг долзарб аҳамиятини тушунтириш.<br>□ Ўзбекистон Республикасн Президенти И.Каримовиинг "Асосий вазнфамиз – Ватанимиз тараккиёти ва ҳалкимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир" номли асарларидан келиб чиккан ҳолда фаннинг максади ва вазифасини тушунтириб бериш. | Талабалар:<br>□ Ҳукукшунослик бўйича умумий тушунчаларни ўрганадилар<br>□ Ҳукукшунослик укув фанининг мавзуи, ўрганиш усулларини таҳлил килишга ўрганадилар.<br>□ Республикамизда Ҳукукшунослнкга доир кабул килинган конунлар, карорлар ва бошка меъёрий хужжатлар ҳакида маълумот оладилар.<br>□ Ҳукукшунослик укув фанининг ижтимоий фанлар системасидаги (тизимидаги) урни ҳакида тасаввурга эга буладилар.<br>□ Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир" номли асарларидан келиб чиккан ҳолда фаннинг максади ва вазифасини тушуниб оладилар. |
| Укитиш усуллари-техникаси | Маъруза, намойиш, билиш-сўров, аклий хужум |
| ўкитиш воситалари | маъруза матни, компьютер технологияси, доска |
| Ўкитиш шакллари | *фронтал, коллектив иш* |
| Ўкитиш шароити | компьютер технологияси, проектор билан жиҳозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | оғзаки саволлар |

Машғулотининг технологик картаси.

| Фаолият боскич-лари | Фаолиятининг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Укитувчи | Талаба |

| | | |
|---|---|---|
| 1-боскич.<br><br>Курсга ва мавзуга кириш<br><br>(20 мин) | 1.1. дасрга кириб журнал тулдиради, йуклама қилади. Укув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова) | Тинглайдилар |
| | 1.1. Мазкур курс бўйича ўрганиладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг руйхати билан таништиради. | Езадилар, Тинглайдилар |
| | 1.2. Биринчи укув машғулоти мавзуси, мақсади ва укув фаолияти натижаларини айтади. | Мавзу номини ёзиб оладилар |
| | 1.3. Билиш-суров усулида мавзу буйича маълум булган тушунчаларни санаб беришни сурайди | Тушунчаларни санаб берадилар |
| 2 -боскич. Асосий бўлим<br>(50 мин) | 2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар Билан таништиради. | Тинглайдилар |
| | 2.2. Маъруза режасининг булимлари буйича тушунтиради, ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| 3-боскич.<br><br>Якунловчи<br><br>(10 мин) | 3.1. Мавзу буйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади. | Саволлар берадилар |
| | 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | |
| | 3.3. Мавзу буйича мустақил урганиш учун топшириқлар беради. | Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар |

*Курс бўйича тингловчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш мезонлари*

Талаба билимини баҳолаш

1-амалий машғулот учун макс.балл 5 баҳони ташкил этади. 5-4 баҳо-аъло; 4-3 баҳо-яхши; 3-2 баҳо –урта , 2-1 -ўзлаштирмовчилик

Аклий хужум

- хукуқ- сузининг маъноси нима?
- Бу йил қандай ном билан аталди?
- Ҳуқуқшунослик нима мавзулар ўрганилади?

Мустакил урганиш учун топшириқ

1. Ҳуқуқшунослик тизими билан чуқуррок танишиш.

| "Ақлий ҳужум "саволлари |
|---|
| 1. Фуқаролик жамияти қандай жамият?<br>2. Ҳуқуқшунослик соҳаси қандай соҳа?<br>3. Республикамизда ҳуқуқшуносликда қандай ютуқларга эришилмоқда? |

Мустақил ўрганиш учун топшириқ
"Ҳуқуқшунослик фанининг мазмун, моҳияти" мавзусида эссе ёзиш.

| Гуруҳда ишлаш қоидалари |
|---|
| Ҳар ким уз уртокларини тинглаши, хурмат билдириши керак.<br>Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топширикка масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.<br>Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сураши лозим.<br>Ҳар ким ундан ёрдам суралганда албатта ёрдам бериши керак.<br>Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.<br>Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:<br>- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.<br>- Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз. |

2-илова

Ўқув вазифалари

1-гуруҳ

1. жамият, инсон ва фуқарорлик жамияти тушунчаси
2. Ҳуқуқшуносликнинг таъснифи ва хусусиятлари
3. Ижтимоий муносабат тушунчаси

2-гуруҳ

1.Фан турлари ва унинг белгиларига кура таснифи
2. Ҳуқуқшунослик фанининг таърифи ва мохияти.
3. фан сохаси сифатида инсон хуқуқи фанининг урни

3-илова

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)

| № Гуруҳлар | 1 дастлабки | 2 жорий | 3 оралик | Жами баллар |
|---|---|---|---|---|
| | (3-5-гача) | (3-5гача) | (-3-5гача) | (3-5гача) |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

4-илова

Назорат учун саволлар:

1. хуқукшуносликни вужудга келиши қандай таснифланади?
2. хуқуқ тизими қайси хуқуқ соҳаларидан иборат?

3. Ҳуқуқшуносликни урганишдаги мантиқий усул таснифи.
4. Жамият тарихи.
5. Жамият, давлат ва инсон.
6. Кишилик жамиятлари ва уларнинг характеристикаси.
7. Ҳуқуқшунослик фани тушунчаси.
8. Ҳуқуқшуносликни тизими.

1-семинар машғулоти (дарс – 2 соат,)

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25 та | *Укув соати -1 соат* |
| Машғулот шакли | *Суҳбат тарзидаги амалий машғулот* |
| Машғулота режаси | |
| укув машғулотининг мақсади | *Ҳуқуқшунослик фани бўйича назарий билимларни кенгайтириш.* |
| Педагогик вазифалар: | ўкув фаолияти натижалари: |
| □ Ҳуқуқшунослик буйича умумий тушунчаларни сўраш.<br>□ Ҳуқуқшунослик укув фанининг мавзуи, урганиш усулларини таҳлил қилиш.<br>□ Ҳуқуқшунослик укув фанининг ижтимоий фанлар системасидаги (тизимидаги) урни ва унинг долзарб аҳамиятини сурайди.<br>□ Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларидан келиб чиққан холда фаннинг мақсади ва вазифасини сураш | Талабалар:<br>□. Ҳуқуқшунослик буйича умумий тушунчаларни ёритиб берадилар<br>□ Ҳуқуқшунослик укув фанининг мавзуи, урганиш усулларини таҳлил қилишадилар.<br>□ Республикамизда қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳақида маълумот берадилар.<br>□ Ҳуқуқшунослик укув фанининг ижтимоий фанлар системасидаги (тизимидаги) урни ҳақида таҳлилга эга буладилар.<br>□ Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир” номли асарларидан келиб чиққан холда фаннинг мақсади ва вазифасини тушунтириб бера оладилар.. |
| • Уқитиш усуллари-техникаси | • конспект, намойиш, блиц-суров, ақлий ҳужум, суҳбат |
| • укитиш воситалари | • матни, компьютер технологияси,<br>• Доска |
| • ўқитиш шакллари | *фронтал, коллектив иш* |
| • укитиш шароити | • компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель) |
| • Мониторинг ва баҳолаш | • Оғзаки саволлар |

Машғулотнинг технолоғик харитаси.

| *Фаолият босқичлари* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *Уқитувчи* | *Талаба* |
| *1-босқич. мавзуга кириш* | *1.1. Машғулотнинг режасини эълон қилади.* | *Тинглайдилар Машғулот режасини қиёслайди* |
| *(10 мин)* | *1.2. машғулотни бошлашдан олдин ақлий ҳужум уюштиради.* | *Саволларга жавоб берадилар* |
| | *2.1. машғулот саволи бўйича суҳбат тарзида сўровни ташкил қилади* | *Тинглайдилар. Мунозарада иштирок этадилар* |
| *2 -босқич. Асосий булим (60мин)* | *2.2. Ҳуқуқ тизими ҳақида талабалар ёрдамида кластер яратади.* | *Кластер яратишда иштирок этадилар* |
| | *2.3. Маърузанинг 5-саволи бўйича савол жавоб ўтказади.* | *Саволларга жавоб берадилар* |
| *3-босқич.* | □ *3.1.Мавзу буйича якунловчи хулосалар қилади.* | *Саволлар берадилар* |
| *Якунловчи (10 мин)* | □ *Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.* | *Тинглайдилар* |

## 2. Мавзу: ДАВЛАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОХИЯТИ.

РЕЖА:

1. Давлатнинг келиб чиқиши ва унинг келиб чиқишига оид назариялар.
2. Давлат ва унинг белгилари.
3. Давлатнинг функциялари.
4. Давлатнинг шакллари.
5. Ҳукуқий давлат ва унинг белгилари.

Мавзуда кўп учрайдиган сўзлар:

*Давлат, жамият, ҳукуқий давлат, фуқаролик жамияти, монархия, республика, федерация, унитар, конфедерация, демократия, функция, сиёсий режим, давлат суверенитети.*

Кишилик жамияти ривожланиб борган сари «жамият» тушунчаси фаоллашиб бормокда. Давлат жамиятнинг бир кисмидир. «Жамият» тушунчаси «давлат» тушунчасидан кенгрок. Давлат жамиятда сиёсий бошкарув функциясини бажаради. Хознрда ривожланган мамлакатлар Халклари фукаролик жамиятини шакиллантиришга интилмокдалар. Давлат ва жамият ўзаро алокадор, аммо бир хил вазифани бажармайди. Давлат ва жамият уйгунликда фаолият юритадилар.

Бугунги демократик тушунчалар ривожланган жамият хаётида хам давлат уз урни ва ахамиятини йукотгани йук. Чунки, давлат пайдо булиб, ривожланиб борар экан, улкан тарихий тажрибани узида мужассамлаштирган. Юридик адабиётларда давлатнинг пайдо булишини, аввало жамиятда (ибтидоий) хусусий мулкни пайдо булиши, шу асосида кишиларнинг мулкий табакаланишувини вужудга келиши билан боглайдилар[1].

Давлатнинг келиб чикиши хакида бир канча назариялар мавжуд булиб, бу назариялар кишилик жамиятининг ривожланишини турли даврларида шаклланган ва уз мазмун- мохиятига кура куйидагича номланган:

1. Теологик назария;
2. Патриархал назария;
3. Шартнома назарияси,
4. Зурлик назарияси;
5. Ирригация назарияси,
6. Синфий назария.

Давлат — суверенитет, бошкарувнинг хамда фуқаролар ҳукук ва эркинликларини химоя килишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳукуқ нормалари (коидаларинн) яратишга кодир бўлган оммавий хокимиятнинг сиёснй-худудий ташкилоти.

Давлатнинг асосий белгилари куйидагилар:

А) Ахолннинг муайян худуд буйича жойлашуви;
Б) ахолининг худудлар буйича уюшганлиги;
В) давлат суверенитети;
Г) ҳуқуқ нжодкорлиги;
Д) солик тизимининг мавжудлигива хоказо.

Давлат шакли деганда, давлат тўзилиши ва бошкарув усулини белгилайдиган ташки хусусиятлари тушунилади.

| Давлат шакллари | | |
|---|---|---|
| Бошкариш шакли | Тўзилиш шакли | Сиёсий тузум |

Бошкарув шакли — деганда, олий давлат хокимияти, унинг идоралари, ахоли билан узаро муносабати, ахолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади. Бошкарув шаклига кура давлатлар куйидагича булинади:

а) монархия, (монархия мутлок ва чекланган шакилларда учрайди);

б) республика, (республикалар президентлик республикаси ва парламентар республикаларга булинади).

Давлат тузилиши шакли — унинг маъмурий-худудий ташкил этилишидир. Тўзилиши буйича давлатлар куйидаги турларга булинади:

- Унитар;
- Федератив;

[1] Укинг: А. Саидов, У. Таджиханов, Х. Одилкориев. Давлат ва хукук асослари. Тошкент, 2002, 9 б.

- Конфедератив;

*Унитар давлат* — оддий, яхлит давлат. Бундай давлат оддий маъмурий худудий бирликларга булинади. Давлатда битта парламент, битта хукумат, битта президент, ягона конституция, ягона конунчилик тизими ва ягона фукаролик булади.

*Федератив давлат* — иттифокдош давлат. Бир неча давлатнинг шартнома асосида уз ихтиёрига кура бирлашуви. Федерацияда федерал даражада хам, федерация субъектлари даражасида хам президент, парламент, хукумат булиши мумкин.

*Конфедератив давлат* — уз суверенитетини ва мусттакиллигнни саклаб колган холда у ёки бу максадга эрншиш учун бнрлашган давлатлар иттифокидир. Конфедерацияда ягона худуд, ягона фукаролик булмайди. Конфедерация аъзолари Халкаро хукукнинг тенг хукуклн субъекти була оладилар.

*Сиёсий режим* — давлат хокимиятини амалга ошириш усул ва йулларининг мажмуаси булиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яънн жамиятдаги сиёсий эркинлик даражаснни ва шахснинг хукукий холатини билдиради. У демократик ва аксилдемократик режимлар билан фаркланадн.

Демократия-инсон сиёсий ва фукаролик хукукларининг кенглигини, фукароларнинг давлат хокимияти идораларини тўзишда ва уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, Халк иродасини демократик хокимиятнинг ягона манбаи деб билишни англатади.

Демократиянинг икки шакли мавжуд:

1. Вакиллик демократияси.
2. Бевосита демократия.

Аксилдемократик режим- давлат идоралари хокимиятни амалга ошириш чогида демократик принциплар ва коидаларга риоя этмайдилар, ёхуд тез-тез бузадилар. Натижада фукароларнинг хукук ва эркинликлари поймол этилади.

Аксилдемократик режим куйидаги куринишларда булади:

- Деспотик ( юнонча — чекланмаган хокимият);
- Тоталитар режим;
- Фашистик режим;
- Авторитар режим;
- Теократик режим;

Ўзбекистон Республикаси мустакилликдан сунгги ривожланишида фукаролик жамияти ва демократик хукукий давлат куришни эътироф этди. Шу маънода утган йиллар ичида давлатчилик асосий институтларининг сиёсий-хукукий мазмуни узгарди. Бир сўз билан айтганда давлатимизда амалга оширилаётган ислохатлар хукукий давлат пойдеворини яратишга каратилгандир.

Хукукий давлат-хукукнинг хукумронлиги, конуннинг устунлиги, барчанинг конун ва мустакил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон хукуклари ва эркинликлари кафолатланадиган, хокимият ваколатларининг булиниши таъмойили асосида ташкил этилган демократик давлат.

Хукукий давлат белгилари:

- Хукукнинг хукумронлиги;
- Конституция ва конунларнинг устунлиги;

- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг химоя килиниши ва таъминланиши;
- *Давлат ва фуқароларнинг ўзаро маъсулияти;*
- Жамиятда хокимиятнинг қонунийлиги;
- Хокимият ваколатларининг булиниши;
- Суднинг мустакиллиги.
- Ҳуқуқни мухофаза килувчи идораларнинг самарали ишлаши;
- Ҳуқукий маданиятнинг юксак даражада эканлиги;
- Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

2-маъруза.

Мавзу: Давлат тушунчаси, белгилари, механизми.

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25-30та | *Укув соати – 2 соат* |
| Машғулот шакли | *Кўргазмали суров, маъруза машғулоти* |
| Сўров ва маъруза режаси | 1. Давлатни вужудга келиши тушунчаси<br>2. Давлат белгилари<br>3. Давлат шакллари, механизми, функциялари<br>4. Конституция давлатнинг асосий қонуни..<br>5. Давлат бошқаруви конституциявий асослари<br>6 Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси |
| укув машғулотининг мақсади | *билимларни етказиш* |
| Педагогик вазифалар: | ўқув фаолияти натижалари: |
| Укитувчи | Талабалар |
| □ Давлатни вужудга келиши тушунчасини тахлил этади<br>□ Давлат белгиларини тушунтиради<br>□ Давлат шакллари, механизми, функцияларини тушунтиради<br>□ Конституция давлатнинг асосий қонуни экналигини тушунтиради<br>□ Давлат бошқаруви конституциявий асосларини тахлил этиб беради<br>□ Конституциявий ҳуқуқ тушунчасини ёритиб беради | □ Давлатни вужудга келиши тушунчаларни билиб оладилар.<br>□ Давлат белгиларини тушуниб, ёзадилар<br>□ Давлат шакллари, механизми, функциялари ҳақида билимга эга булади<br>□ Конституция давлатнинг асосий қонуни эканлиги ҳақида билимга эга бўладилар..<br>□ Давлат бошқаруви конституциявий асосларини тахлил этадилар<br>□ Конституциявий ҳуқуқ тушунчасига эга бўладилар . |
| □ Ўкитиш усуллари-техникаси | • Маъруза, намойиш, блиц-суров, ақлий ҳужум, Венна диаграммаси, Каскад усули |
| • укитиш воситалари | • маъруза матни, компьютер технологияси,<br>• доска |
| • ўкитиш шакллари | □ фронтал, коллектив иш |
| • укитиш шароити | • компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель) |
| • Мониторинг ва баҳолаш | • огзаки саволлар |

Маъруза машғулотининг технологик картаси.

| Фаолият босқич-лари | Фаолиятининг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Уқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. мавзуга кириш (10 мин) | 1.1. Маъруза машғулотинигнг режасини эълон қилади ва бу мавзу дарс давомида урганилишини айтади. | Тинглайдилар Машғулот режасини ёзиб оладилар |
| | 1.2. Маърузани бошлашдан олдин ақлий хужум уюштиради | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 -босқич. Асосий булим (60 мин) | 2.1.Маърузанинг 1- саволи бўйича тушунтиради, Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. (3-илова) | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| | 2.2. Маърузанинг 2- саволи бўйича Венна диаграммасини яратишни таклиф этади. Талабалар ёрдамида диаграммани тулдиради (4-илова) | Венна диаграммасини яратишда иштирок этадилар |
| | 2.3. Маърузанинг 3- саволи буйича курғазмали маърузани давом эттиради. | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| 3-босқич. Якунловчи (10 мин) | 3.1. 3.1.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. | Саволлар берадилар |
| | 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | |
| | 3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириклар беради. | Мустақил урганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар |

"Аклий ҳужум "саволлари

1. Давлат деганда нимани тушунасиз?
2. Конституция қандай тушунча?
3. давлат механизми, функциялари, шакларини тушунтириб беринг.

2-мавзу семинар машғулоти
Мавзу: Давлат тушунчаси, белгилари, механизми.

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони 25-30та* | *Укув соати – 2 соат* |
| *Машғулот шакли* | *Кўргазмали сўров машғулоти* |
| *Суров ва маъруза режаси* | 1. Давлатни вужудга келиши тушунчаси<br>2. Давлат белгилари<br>3. Давлат шакллари, механизми, функциялари<br>4. Конституция давлатнинг асосий қонуни..<br>5. Давлат бошқаруви конституциявий асослари<br>6 Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси |
| укув машғулотининг мақсади | *Билимларни етказиш* |
| Педагогик вазифалар: | ўкув фаолияти натижалари: |
| Укитувчи | Талабалар |
| □ Давлатни вужудга келиши тушунчасини тахлил этишни сўрайди.<br>□ Давлат белгиларини сўрайди<br>□ Давлат шакллари, механизми, функцияларини сўрайди<br>□ Конституция давлатнинг асосий қонуни эканлиги ҳақида сўрайди<br>□ Давлат бошқаруви конституциявий асосларини тахлил этишларини сурайди<br>□ Конституциявий ҳукуқ тушунчасини сўрайди | □ Давлатни вужудга келиши тушунчаларини биладилар, давлат вужудга келиши ва тараққиёти тушунчаларини гапириб берадилар.<br>□ Давлат белгиларини санаб, тушунтириб берадилар.<br>□ Давлат шакллари, механизми, функциялари ҳақида билимларини гапириб беради<br>□ Конституция давлатнинг асосий қонуни эканлиги ҳақида билимларини айта оладилар.<br>□ Давлат бошқаруви конституциявий асосларини тахлил этадилар<br>□ *Конституциявий ҳуқуқ тушунчасини тахлил эта оладилар .* |
| □ Ўқитиш усуллари-техникаси | • намойиш, блиц-сўров, ақлий хужум, Венна диаграммаси, Каскад усули |
| • укитиш воситалари | • конспект матни, компьютер технологияси,<br>• доска |
| • укитиш шакллари | □ *фронтал, коллектив иш* |
| • ўқитиш шароити | • компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель) |
| • Мониторинг ва бахолаш | • оғзаки саволлар |

Мавзу бўйича технологик картаси

| Фаолиятбосқич-лари | Фаолиятининг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Мавзуга кириш ( 10 мин) | 1.1. ўқув машғулоти мавзуси, мақсади тушунтирилади | Мавзу номини айтаоладилар |
| | 1.2. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 – босқич. Асосий булим (60 мин) | 2.1. Мавзу режасининг 1 ва 2- саволини ёздиради ва таянч тушунчалар билан таништиради. | Мавзу режасиниукийдилар оладилар тахлил этадилар |
| | 2.2. Мавзунинг 1- ва 2- режасаволлари буйича “Ақлий хужум” уюштирилади. Ҳар бир талаба фикри тингланади. Ҳар бир савол муҳокамасидан сўнг тўғри фикрлар тасдиқланади. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади | “Ақлий хужум” да иштирок этадилар |
| 3-босқич. Якунлов чи (10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади. | Саволларга жавоб берадилар |
| | 3.2. Мавзу буйича мустақил урганиш учун топшириқлар беради. | Мустақил урганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар |
| | 3.3. Мавзу буйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради | Ёзадилар |
| | 3.4. Мавзунинг кейинги саволлари буйича тайёрланиб келиш топширилади . | Ёзадилар |

1-илова

Билимларни жонлантириш учун саволлар

1. Давлат хукуки деганда нимани тушунасиз?
2. Давлат шакллари нима?
3. Давлат белгиси чегара булиши мумкинми?
4. Давлат механизмини таснифланг
5. Давлат функциялари қандай белгиланади?

Машғулотнинг мазмуни буйича кургазмали слайдлари

Мустакил урганиш учун топширик

1. Давлат шаклларини қарашларни киёсланг.
2. Давлатчиликни даврлаштиринг.
3. Давлат белгиларини тушунтиринг.

*Мавзу буйича мустакил тайёргарлик учун саволлар:*

1. Давлат нима?
2. Давлатнинг пайдо булиш сабаблари кандай?
3. Давлатнинг келиб чиқиши хакида кандай назариялар мавжуд?
4. Давлатнинг белгилари?
5. Давлат ва жамиятнинг узаро муносабатлари кандай?
6. Давлат функцияси деганда нима тушунилади?
7. Давлат шакли деганда кандай элементлар хакида гап боради?
8. Демократия нима ва уни давлатга нима алокаси бор?
9. Ҳуқукий давлат кандай давлат ва унинг белгилари?
10. Узбекистонда ҳуқуқий давлат куришнинг асосий йуналишларининайтиб беринг?

**Мавзуни урганишда тавсия этиладиган адабиётлар руйхати.**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. //Т.2. Тошкент, 1996.
3. Каримов И.А. Янгиланиш ва узгаришлар жараёни оркага кайтмайди // Халқ сузи 2002. 5 апрель.
4. Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир"/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Т.: "Ўзбекистон". 2010 Б-14.
5. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маъруза.
6. Узбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Узбекистон". 2010 йил.
7. Узбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.
8. Узбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2010.- 496 б. Каримова О., Гафаров 3. "Давлат ва хуқук асослари". // "Ўқитувчи", Т:.1995.
9. Саидов А. Тошкулов Ж. "Узбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" УзР. ИИВ Академияси, т:.1995.
10. Саидов А., Таджиханов У. "Давлат ва хуқуқ асослари". Дарслик // Т:"Адолат",1999.
11. Саидов А., Таджиханов У. Одилқориев Х. "Давлат ва хуқуқ асослари".Дарслик.// Т:"Шарк", 2002.
12. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изоҳли луғат.// Т., 1996.
13. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т., 2000.
14. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –916 б.
15. Давлат ва хуқуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:Уз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б
16. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O`z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 3- Мавзу: ҲУҚУҚ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ.

**РЕЖА:**

1. Ҳукуқ тушунчаси ва унинг белгилари
2. Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар.
3. Ҳуқуқнинг функциялари.
4. Ҳуқуқ нормалари тузилиши ва турлари.
5. Ҳуқуқ тизими ва манбалари.
6. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.

*Калит сўзлар!*

Ҳуқуқ, манба, ҳуқуқий-норма, ҳуқуқ тармоги, ҳуқуқ институтлари, гипотеза, диспозиция, санкция, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик.

Ҳуқуқ - давлат томонидан урнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя килинадиган умуммажбурий хулк-атвор қоидаларининг йиғиндиси.

*Ҳуқуқнинг белгилари:*

1) хуқуқ давлат йули билан урнатилади;
2) барча учун мажбурий;
2) ҳуқуқ нормалари қонунлар ва бошка манбаларда ифодаланади;
3) субъектив ҳуқуқлар оркали харакат килади;
4) давлат томонидан таъминланади;

«Ҳуқуқ» икки маънода кўлланилади.

| *Ҳуқуқ* | |
|---|---|
| *Объектив ҳуқуқ* | *Субъектив ҳуқуқ* |
| *Умуммажбурий хулк-атвор коидаларининг йигиндиси. Бу нормалар у ёки бу инсоннинг, субъектнинг иродаси хамда хохиш-истагидан катъи назар мавжуд булади.* | *Муайян жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ҳуқуқ.* |

Масалан, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 36-моддасида фуқароларнинг мулк ҳуқуқи мустахкамланган. Давлат томонидан ушбу коидани мустахкамлаб куйилиши *объектив ҳуқуқ*, айтайлик кайсидир бир фуқаронинг ўз уй-жойига нисбатан мулк ҳуқуқи субъектив хуқуқ.

ЁДДА ТУТИНГ!

Хулоса: Субъектив ҳуқуқ объектив ҳуқукка асосланади, объектив ҳуқуқ булмаса, субъектив ҳуқуқ хам булмайди.

*Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар:*

- Табиий ҳуқуқ назарияси;
- Ҳуқуқнинг тарихий назарияси;
- Ҳуқуқнинг психологик назарияси;
- Ҳуқуқнинг синфий назарияси.

| *Ҳуқуқнинг функциялари* | | |
|---|---|---|
| *Таритибга солиш функцияси* | *Куриклаш функцияси* | *Тарбиявий функция* |
| *Жамиятдаги у ёки бу турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.* | *Ҳуқуқий мухофаза ва юридик жавобгарлик чораларини белгилайди.* | *Нималарни килиш мумкин, нималар таъқиқланади* |

Ҳуқуқ нормалари – давлат томонидан белгиланган, кафолатланган ва муҳофаза қилинадиган умуммажбурий хулк-атвор қоидалари.

БУНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

“Норма” сўзи лотинчадан таржима қилинганда “қоида”, “намуна” маъносини билдиради.

Ҳуқуқ нормасининг тўзилиши

| Ҳуқуқ нормасининг тузилиши | | |
|---|---|---|
| Гипотеза | Диспозиция | Санкция |
| Норманинг амал қилиш шарт-шароитлари, ушбу ҳуқуқ нормасини тақазо этадиган реал ҳаёт фактларини курсатади | Субъектларнинг ушбу ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган хулқ-атвор қоидалари | Диспозициядаги қонунбузарлик ҳоллари келиб чикканида қулланадиган давлат мажбурлов чоралари |

Ҳуқуқий нормалар ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари:

- Қонун - парламент ёки референдум орқали қабул қилннади.
- Фармон - давлат бошлиги, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат.
- Қарор ва фармойишлар - давлатнинг ижро этувчн ҳокимият органи (Президент, Вазирлар Маҳкамаси) чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат.
- Буйрук ва йўриқномалар - давлат бошқарув органларининг ( Вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралари) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.
- Қарорлар - давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

*Ҳуқуқ нормаларини бузилиши яъни қонунга зид булган ҳаракат (ҳаракатсизлик) хукукбузарлик дейилади.*

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари:

1. ижтимоий хавфлилик;
2. ҳуқуққа зидлик;
3. айблилик;
4. жазонинг муқаррарлиги.

Ҳуқуқбузарликнинг турлари:

a. фуқаровий-ҳуқуқий;
b. маъмурий;
c. интизомий;
d. жиноий-қилмиш.

Ҳуқуқбузарликнинг оқибати *юридик жавобгарликни* келтириб чиқаради.



NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Ahborot-resurs markazi

МАВЗУ: Ҳуқуқ ва унинг белгилари.
(маъруза –2 соат, амалий машғулот – 2 соат )

*Маърузани олиб бориш технологияси*

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25-30та | *Ўкув соати – 2 соат* |
| Машғулот шакли | *Кириш-мавзу бўйича маъруза* |
| Маъруза режаси | 7. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари<br>8. Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар.<br>9. Ҳуқуқнинг функциялари.<br>10. Ҳуқуқ нормалари тузилиши ва турлари.<br>11. Ҳуқуқ тизими ва манбалари.<br>12. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик. |
| Ўкув машғулотининг мақсади | *Ўқув курси ҳақида умумий тасаввурни бериш.* |
| Педагогик вазифалар: | ўкув фаолияти натижалари: |
| □ Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари бўйича умумий тушунчалар бериш.<br>□ Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назарияларни таҳлил қилиш.<br>□ Ҳуқуқнинг функциялари ва унинг аҳамиятини тушунтириш.<br>□ Ҳуқуқ нормалари тўзилиши ва турларини тушунтириб бериш.<br>□ Ҳуқуқ тизими ва манбалари турларга ажратиб тушунтириш.<br>□ Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик бўйича тушунтириш беради, жавобгарлик масалаларини тахлил этиб беради | Талабалар:<br>□. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари бўйича умумий тушунчаларни урганадилар<br>□ Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назарияларни таҳлил қилишга ўрганадилар.<br>□ Ҳуқуқнинг функциялари ҳақида маълумот оладилар.<br>□ Ҳуқуқ нормалари тўзилиши ва турлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.<br>□ Ҳуқуқ тизими ва манбалари ҳақида тасаввурга эга бўладилар ватурларини тахлил қиладилар.<br>□ Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик бўйича тушуниб оладилар, жавобгарлик масалаларини тахлил этиб беради оладилар. |
| Ўқитиш усуллари-техникаси | Маъруза, намойиш, билиш-сўров, ақлий ҳужум |
| ўқитиш воситалари | маъруза матни, компьютер технологияси,<br>доска |
| ўқитиш шакллари | *фронтал, коллектив иш* |
| Ўқитиш шароити | компьютер технологияси, проектор билан жиҳозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | оғзаки саволлар |

*Машғулотининг технологик картаси.*

| *Фаолият босқи-лари* | *Фаолиятининг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | Укитувчи | Талаба |
| 1-босқич. Курсга ва мавзуга кириш (20 мин) | 1.1. дасрга кириб журнал тулдиради, йуқлама қилади. Укув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради | Тинглайдилар |
| | 1.1. Мазкур курс буйича урганиладиган мавзулар буйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида кисқача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг руйхати билан таништиради. | Езадилар, Тинглайдилар |
| | 1.2. Биринчи укув машғулоти мавзуси, мақсади ва укув фаолияти натижаларини айтади. | Мавзу номини ёзиб оладилар |
| | 1.3. Билиш-суров усулида мавзу бўйича маълум булган тушунчаларни санаб беришни сурайди | Тушунчаларни санаб берадилар |
| 2 -босқич. Асосий булим (50 мин) | 2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради. | Тинглайдилар |
| | 2.2. Маъруза режасининг бўлимлари бўйича тушунтиради, ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| 3-босқич. Якунловчи (10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади. | Саволлар берадилар |
| | 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | |
| | 3.3. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. | Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар |

Курс буйича тингловчиларнинг узлаштиришларини
баҳолаш мезонлари

Ақлий хужум

- Ҳуқуқ- сузининг маъноси нима?
- Ҳуқуқ ва хуқуқ нормаси фарки қандай?
- Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва юридик жавобгарлик ҳақида тушунча айтинг?

Мустакил урганиш учун топширик

1. Ҳукукшунослик тизими билан чукуррок танишиш.

| “Ақлий ҳужум ”саволлари |
|---|
| 1 Жиноя, маъмурий ҳукуқбузарлик, тгтитзомсизлик тушунчаларини таҳлил этинг ? |
| 2 Ҳуқуқ соҳаси, хукук тармоғи, хукук нормасини фарқи? |
| 3. Ҳуқуқ ва аҳлоқ умумий ва фарқли тарафларини айтинг? |

Мустақил урганиш учун топшириқ

“Ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарликнинг мазмун, моҳияти” мавзусида эссе ёзиш.

Ҳуқуқ тушунчаси.

Семинар машғулоти

(дарс – 2 соат,)

| | |
|---|---|
| • Талабалар сони 25 та | *Укув соати -1 соат* |
| Машғулот шакли | *Суҳбат тарзидаги амалий машғулот* |
| Машғулота режаси | 1. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари<br>2. Ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар.<br>3. Ҳуқуқнинг функциялари.<br>4. Ҳуқуқ нормалари тузилиши ва турлари.<br>5. Ҳуқуқ тизими ва манбалари.<br>6. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик |
| укув машғулотининг мақсади | *Ҳуқуқ бўйича назарий билимларни кенгайтириш.* |
| Педагогик вазифалар: | укув фаолияти натижалари: |
| □ Ҳукук бўйича умумий тушунчаларни сураш.<br>□ Ҳукуқни келиб чикиш назарияларини таҳлил килиш.<br>□ Ҳукуқ, аҳлоқ ва унинг долзарб аҳамиятини сурайди.<br>□ Ҳукуқ функциялари таснифини сурайди, конспек қилганликларини назорат қилади.<br>□ Ҳуқуқ тизими ва соҳалари бўйича билимларини текширади<br>□ Ҳуқуқбузарлик тушунчаси буйича тушунчаларни текширади ва юридик жавобгарлик буйича казуларни текширади | Талабалар:<br>□. Ҳуқуқ буйича умумий тушунчаларни ёритиб берадилар<br>□ Ҳуқуқнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашларни таҳлил қилишадилар.<br>□ Ҳуқуқ ва аҳлоқ ҳақида ҳақида маълумот берадилар.<br>□ Ҳуқуқ функциялари таснифини таҳлил қиладилар.<br>□ Ҳуқуқ тизими ва соҳалари буйича тушунчаларини баён қиладилар<br>□ Ҳуқуқбузарлик буйича тушунчаларини баён этадилар, конспектларини баҳолатадилар ва казусларни таҳлил этиб берадилар |
| • Ўқитиш усуллари-техникаси | • Конспект, намойиш, блиц-сўров, ақлий ҳужум, суҳбат |
| • Ўқитиш воситалари | • матни, компьютер технологияси,<br>• Доска |
| • укитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| • ўқитиш шароити | • компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель) |
| • Мониторинг ва баҳолаш | • Оғзаки саволлар |

Машғулотнинг технологик харитаси.

| Фаолият босқичлари | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Уқитувчи | Талаба |
| 1-босқич. мавзуга кириш (10 мин) | 1.1. Машғулотнинг режасини эълон қилади. | Тинглайдилар Машғулот режасини қиёслайди |
| | 1.2. машғулотни бошлащдан олдин ақлий хужум уюштиради. | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 -босқич. Асосий булим (60мин) | 2.1. машгулот саволи бўйича сухбат тарзида суровни ташкил қилади | Тинглайдилар. Мунозарада иштирок этадилар |
| | 2.2. Ҳуқуқ тизими ҳақида талабалар ёрдамида кластер яратади. | Кластер яратишда иштирок этадилар |
| | 2.3. Маърузанинг 5-саволи бўйича савол жавоб утказади. | Саволларга жавоб берадилар |
| 3-босқич. Якунловчи (10 мин) | □ 3.1.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. | Саволлар берадилар |
| | □ Мавзу мақсадига эришищдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | Тинглайдилар |

**Гуруҳда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким уз уртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.
Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
Ҳар ким зарур булган ҳолда ёрдам сураши лозим.
Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
Ҳар ким аниқ тушуниши кераккки:
- Бошқаларга ургатиб узимиз урганамиз.
- Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

1-илова

**Уқув вазифалари**

**1-гуруҳ**

1. Ҳуқуқ нима
2. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси
3. Ижтимоий муносабат тушунчаси

**2-гуруҳ**

1.Ахлоқ нима?
2. Юридик жавобгарлик тушунчаси.
3. Ҳуқуқий муносабат тушунчаси

2-илова

Бахолаш курсаткичлари ва мезонлари (балларда)

| №<br>Гурухлар | 1<br>дастлабки | 2<br>жорий | 3<br>оралик | Жами<br>баллар |
|---|---|---|---|---|
| | -гача) | (-5 гача) | ( - гача) | ( - гача) |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

3-илова

Назорат учун саволлар:

1. Ҳукукни вужудга келиши қандай таснифланади?
2. Ҳуқуқ тизими қайси ҳуқуқ соҳаларидан иборат?
3. Ҳуқуқ тизими ва соҳалари таснифланади.
4. Аҳлоқ таърифини берилади.
5. Ҳуқуқ функцияларини турларга ажратинг.
6. Аҳлоқ ва ҳуқуқни фарқини тушунтиринг.
7. Ҳуқуқбузурлик турларини тушунчаси.
8. Ҳуқуқ манбалари деганда нимани тушунасиз?.

*Мавзу буйича мустакил тайёргарлик учун саволлар:*

1.Ҳукукнинг пайдо булишига нима сабаб булди?
2.Ҳукук нима?
3.Ҳукукнинг келиб чиқишига доир кандай назарияларни биласиз?
4. Объектив ва субъектив ҳуқуқнинг фарки?
5.Ҳуқуқ нормалари нима?
6.Ҳуқуқ ва ҳуқуқ нормасини фарклаб беринг?
7.Санкция нимани англатади?
8.Норматив-ҳуқуқий хужжат нима?
9.Ҳуқуқ тизими ва тармоғи нимани англатади?

Тавсия этиладиган адабиётлар
руйхати.

1. Каримов И. Узбекистон сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // "Узбекистон", Т:.1995.
2. Каримов И. Қонунлар Халқ хизматида. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясидаги нутк. // "Халқ сузи", 1996. 27 декабр.
3.Каримов И.А. Узбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. //Т.2. Тошкент, 1996.
5. Каримов И.А. Янгиланиш ва узгаришлар жараёни оркага кайтмайди // Халқ сузи 2002. 5 апрель.
6. Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир"/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қушма мажлисидаги маърузаси // Т.: "Узбекистон". 2010 Б-14.
7. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қушма мажлис маъруза.
8.. Узбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Узбекистон". 2010 йил.
9. Узбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2010.- 496 б. Каримова О., Гафаров З. "Давлат ва ҳуқуқ асослари". // "Ўқитувчи", Т:.1995.
11. Саидов А. Тошкулов Ж. "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" УзР. ИИВ Академияси, т:.1995.
12. Саидов А., Таджиханов У. "Давлат ва ҳукуқ асослари". Дарслик // Т:"Адолат",1999.
13. Саидов А., Таджиханов У. Одилкориев Х. "Давлат ва ҳуқуқ асослари".Дарслик.// Т:"Шарк". 2002.
14. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изоҳли луғат.// Т., 1996.
15. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т., 2000.
16. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –916 б.
17. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилкориев -Т.:Уз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б
18. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O`z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 4-Мавзу: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.

**РЕЖА:**

1. Конституция ва унинг тарихий ривожланиши.
2. Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси, унинг манбалари.
3. Конституция моҳияти.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмуни.
5. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Конституция, конституциявий ҳукуқ, фуқаролик, референдум, парламент, депутат, мафкура, конституциявий ҳуқуқ, эркинлик, бурч.

«Конституция» атамаси узоқ тарихга эга. Жахонда амал килаётган конституцияларни икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухни бугунги кундагидан кескин фарк киладиган шароитларда қабул килинган конституциялар ташкил этади. Бундай конституцияларга – 1787 йилги АКШ Конституцияси, 1831 йилги Бельгия ва 1874 йилги Швейцария конституциялари киради.

Иккинчи гурухга XX асрнинг иккинчи ярмида қабул килинган «янги авлод» конституциялари киради. «Янги авлод» конституциялари биринчи гурух конституцияларидан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституцияни мухофаза килиш ва ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш механизмларининг кенгайиши окибатида конституциявий жихатдан тартибга солиш хажмининг кенгайиши билан фарк килади.

| |
|---|
| Конституция – *давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий институтлари ва нормаларнииг узаро алокасида намоён бўладиган энг мухим ижтимоий муносабатларни мустахкамловчи асосий қонуни* |

Конституциявий ҳуқуқ — ҳуқуқнинг мустақил тармоги булиб, у инсонларнинг жамият ва давлатдаги ҳуқуқий мавкеи, сиёсий тузум асослари, давлат органлари ва ўзини-ўзи бошкариш органлари тизимини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти асосларини мустахкамловчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари:

- Конституция;
- Конституциявий қонунлар;
- Ижтимоий муносабатларни бошқарувчи оддий қонунлар.

Конституциянинг асосий функциялари:

| *Конституциянинг асосий функциялари* | | | |
|---|---|---|---|
| *Сиёсий функцияси* | *Ташкилий функцияси* | *Шакиллантириш (конструктив) функцияси* | *Юридик функцияси* |
| *Жамиятнинг ижтимоий тўзилишини тартибга солиш* | *Давлат институтлари тўзилишини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш* | *Жамиятда муайян кадриятларни карор топтириш максадида маънавий сохага таъсир этиш.* | *Конституциянинг амал килаётган ҳуқуқий тизимнинг асоси сифатидаги урнини акс эттириш.* |

*Конституциянинг юридик функцияси белгилари*

1. Конституциявий коидалар амалдаги ҳуқуқнинг олий моддий мезонидир яъни қабул килинадиган қонун-коидалар конституцияга мувофик келиш шарт.
2. Конституцияда хукукнинг асосий принциплари курсатилиши.
3. Амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий жихатдан таърифланиши.
4. конституциявий коидаларнинг узи бевосита амал киладиган коидалар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг тузилиши.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мукаддима | | I Булим. Асосий принциплар. (1-17-м). | II Булим. Инсон ва фукароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. (18-52-м). |
| III Булим. Жамият ва шахс. (53-67-м). | IV Булим. Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши. (68-75-м). | V Булим. Давлат хокимиятинингта шкил этилиши (76-126 -м) | VI Булим. Конституцияга узгартиш киритиш тартиби (127-128-м). |

Узбекистон Республикасининг давлат рамзлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи — 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашда тасдикланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби — 1992 йил 2 июлда Олий Кенгашнинг X сессиясида тасдикланган.

Узбекистон Республикаси Давлат мадхияси — 1992 йил 10 декабрда Олий Кенгашда тасдикланди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.
(маъруза –2 соат, амалий машғулот – 2 соат )

Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25-30та | Укув соати – 2 соат |
| Машғулот шакли | Кириш-мавзу бўйича маъруза |
| Маъруза режаси | 13. Конституция ва унинг тарихий ривожланиши.<br>14. Конституциявий хукук тушунчаси, унинг манбалари.<br>15. Конституция мохияти.<br>16. Узбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмуни.<br>17. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. |
| Укув машғулотининг максади | Укув курси ҳақида умумий тасаввурни бериш. |
| Педагогик вазифалар: | укув фаолияти натижалари: |
| □ Конституция ва унинг тарихий ривожланиши бўйича умумий тушунчалар бериш.<br>□ Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси, унинг манбаларини таҳлил қилиш.<br>□ Конституция мохияти ва аҳамиятини тушунтириш.<br>□ Узбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмунини тушунтириб бериш. | Талабалар:<br>□. *Конституция ва унинг тарихий ривожланиши* буйича умумий тушунчаларни урганадилар<br>□ Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси, унинг манбалариларни таҳлил қилишга урганадилар.<br>□ Конституция мохияти ҳақида маълумот оладилар.<br>□ Узбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмуни ҳақида тасаввурга эга буладилар. |
| Укитиш усуллари-техникаси | Маъруза, намойиш, билиш-суров, ақлий ҳужум |
| укитиш воситалари | маъруза матни, компьютер технологияси, доска |
| ўқитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| Укитиш шароити | компьютер технологияси, проектор билан жиҳозланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | огзаки саволлар |

Машғулотининг технологик картаси.

| Фаолият боскич-лари | Фаолиятининг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Укигувчи | Талаба |
| 1-боскич. Курсга ва мавзуга кириш (20 мин) | 1.1. Дарсга кириб журнал тулдиради, йўклама килади. Укув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради | Тинглайдилар |
| | 1.1. Мазкур курс буйича ўрганиладиган мавзулар буйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида кискача маълумот беради. Асосий адабиётларнинг руйхати билан таништиради. | Езадилар, Тинглайдилар |
| | 1.2. Биринчи ўкув машғулоти мавзуси, мақсади ва укув фаолияти натижаларини айтади. | Мавзу номини ёзиб оладилар |
| | 1.3. Билиш-суров усулида мавзу буйича маълум булган тушунчаларни санаб беришни сўрайди | Тушунчаларни санаб берадилар |
| 2 -боскич. Асосий бўлим (50 мин) | 2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради. | Тинглайдилар |
| | 2.2. Маъруза режасининг булимлари бўйича тушунтиради, ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштириб боради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. | Тинглайдилар. конспект килиб борадилар. |
| 3-боскич. Якунловчи (10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади. | Саволлар берадилар |
| | 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | |
| | 3.3. Мавзу буйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради. | Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар |

Курс буйича тингловчиларнинг ўзлаштиришларини
баҳолаш мезонлари

Аклий хужум

- Ҳуқуқ- сузининг маъноси нима?
- Ҳуқуқ ва ҳуқуқ нормаси фарки қандай?
- Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва юридик жавобгарлик ҳақида тушунча айтинг?

Мустақил ўрганиш учун топшириқ

1. Ҳуқуқшунослик тизими билан чуқурроқ танишиш.

| “Ақлий ҳужум ”саволлари |
|---|
| 1 Жиноя, маъмурий ҳуқуқбузарлик, интизомсизлик тушунчаларини тахлил этинг ?<br>2 Ҳуқуқ соҳаси, ҳуқуқ тармоги, ҳуқуқ нормасини фарқи?<br>3. Ҳуқуқ ва аҳлоқ умумий ва фарқли тарафларини айтинг? |

Мустақил урганиш учун топшириқ
“Ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарликнинг мазмун, моҳияти” мавзусида эссе ёзиш.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ.
Семинар машгулоти

(дарс – 2 соат,)

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 25 та | Ўкув соати -1 соат |
| Машғулот шакли | Сухбат тарзидаги амалий машғулот |
| Машғулота режаси | 6. Конституция ва унинг тарихий ривожланиши.<br>7. Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси, унинг манбалари.<br>8. Конституция мохияти.<br>9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмуни.<br>5. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. |
| Ўкув машғулотининг мақсади | Ҳуқуқ бўйича назарий билимларни кенгайтириш. |
| Педагогик вазифалар: | ўкув фаолияти натижалари: |

| | |
|---|---|
| □ Конституция ва унинг тарихий ривожланиши буйича умумий тушунчаларни сураш, баллаш.<br>□ Конституциявий хуқуқ тушунчаси, унинг манбаларини таҳлил килишни сўрайди.<br>□ Конституция мохияти ва унинг долзарб аҳамиятини сурайди.<br>□ Узбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмунини сўрайди, конспек қилганликларини назорат қилади.<br>□Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўйича билимларини текширади<br>□ Конституция умумий тўзилиши буйича савол-давоб қилади. | Талабалар:<br>□. Конституция ва унинг тарихий ривожланиши буйича умумий тушунчаларни ёритиб берадилар, балл оладилар.<br>□ Конституциявий хукук тушунчаси, унинг манбаларини таҳлил қилишади.<br>□ Конституция мохияти ҳақида маълумот берадилар.<br>□ Узбекистон Республикаси Конституциясининг тавсифи ва мазмунини таҳлил қиладилар.<br>□ Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўйича тушунчаларини баён қиладилар<br>□ Конституция умумий тузилишини таҳлил этиб берадилар |
| • Ўқитиш усуллари-техникаси | • Конспект, намойиш, блиц-суров, ақлий хужум, суҳбат |
| • укитиш воситалари | • матни, компьютер технологияси,<br>• Доска |
| • укитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| • укитиш шароити | • компьютер, мультимедиа проектор (ёки проектор ва LCD панель) |
| • Мониторинг ва баҳолаш | • Оғзаки саволлар |

Машғулотнинг технологик харитаси.

| Фаолият босқичлари | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Укитувчи | Талаба |
| 1-боскич. мавзуга кириш (10 мин) | 1.1. Машғулотнинг режасини эълон қилади. | Тинглайдилар Машғулот режасини киёслайди |
| | 1.2. машғулотни бошлашдан олдин ақлий ҳужум уюштиради. | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 -боскич. Асосий бўлим (60мин) | 2.1. машғулот саволи бўйича суҳбат тарзида сўровни ташкил қилади | Тинглайдилар. Мунозарада иштирок этадилар |
| | 2.2. Ҳуқуқ тизими ҳақида талабалар ёрдамида кластер яратади. | Кластер яратишда иштирок этадилар |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3. Маърузанинг 5-саволи буйича савол жавоб ўтказади. | Саволларга жавоб берадилар |
| 3-боскич.<br><br>Якунловчи<br><br>(10 мин) | 3.1.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. | Саволлар берадилар |
| | Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | Тинглайдилар |

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким уз уртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур булган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам суралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши иатижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- Бошқаларга ўргатиб узимиз урганамиз.
- Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чукамиз.

1-илова

Укув вазифалари

1-гуруҳ

1. Қомус нима
2. фуқаролик тушунчаси
3. Жамият ва шахс тушунчаси

2-гуруҳ

1.Асосий қонун нима?
2. Конституция принциплари тушунчаси.
3. Маъмурий –худудий тузилиш тушунчаси

2-илова

Баҳолаш курсаткичлари ва мезонлари (балларда)

| №<br>Гуруҳлар | 1<br>дастлабки | 2<br>жорий | 3<br>оралик | Жами<br>баллар |
|---|---|---|---|---|
| | -гача) | (-5 гача) | ( - гача) | ( - гача) |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |

3-илова

Назорат учун саволлар:

1. Конституцияни вужудга келиши қандай таснифланади?
2. Конституция тизими нималардан иборат?
3. Конституция қандай таснифларга эга?
4. Олий Мажлис таърифини берилади.
5. Ҳокимиятларни турларга ажратинг.
6. Асосий ва жорий қонунларни фарқини тушунтиринг.

7. Инсон ва фуқаролар хукуқлари турларини тушунчаси.
8. Конституция ва қонун устуворлиги деганда нимани тушунасиз?.

Мавзу буйича мустакил тайёргарлик учун саволлар:

1.Нима учун конституция асосий қонун дейилади?
2.Конституциянинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг?
3.Конституция ва ҳуқуқ тизимидаги бошка қонунлар кандай алокадорликда?
4.Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилиги конституциясининг қабул килиниш сабаблари?
5.Коституциянинг асосий функциялари нималардан иборат?
6.Ўзбекистон Республикаси конституциясининг асосий максад ва принциплари нималардан иборат?
7.Конституциянинг тўзилиши деганда нима тушунилади?
8.Конституция, демократия ва инсон ҳуқуқлари сўзларининг уртасида қандай боғлиқлик бор?
9.Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қаерларда кутариб куйилади?
10. Ўзбекистоннинг Давлат герби қаерларда ўрнатилади?
11. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳяси качон ижро этилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар
рўйхати.


9. Каримов И. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // "Ўзбекистон", Т:.1995.
10. Каримов И. Қонунлар Халқ хизматида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясидаги нутк. // "Халқ сўзи", 1996. 27 декабр.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.
12. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. //Т.2. Тошкент, 1996.
13. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни орқага кайтмайди // Халқ сўзи 2002. 5 апрель.
14. Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир"/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Т.: "Ўзбекистон". 2010 Б-14.
15. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократикислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш конпепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маъруза.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Ўзбекистон". 2010 йил.
17. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.
18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2010.- 496 б. Каримова О., Гафаров З. "Давлат ва ҳуқуқ асослари". // "Ўкитувчи", Т:.1995.
19. Саидов А. Тошкулов Ж. "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" УзР. ИИВ Академияси, т:.1995.
20. Саидов А., Таджиханов У. "Давлат ва ҳуқуқ асослари". Дарслик // Т:"Адолат",1999.
21. Саидов А., Таджиханов У. Одилқориев Х. "Давлат ва ҳуқуқ асослари".Дарслик.// Т:"Шарк", 2002.
22. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:Уз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б

23. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O`z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 5- МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

### РЕЖА

1. Маъмурий ҳуқуқ фани тушунчаси, предмети, манбалари ва тизими.
2. Маъмурий ҳукуқ меёрлари ва тушунчаси. Маъмурий ҳуқуқ тамойиллари.
3. Давлат бошқаруви органлари
4. Маъмурий ҳукуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик ва маъмурий жазо.
5. Маъмурий мажбурлов, унинг хусусияти ва турлари.

Маъмурий ҳуқуқ, конституциявий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқлари билан бир қаторда-ҳукуқнинг асосий тармокларига киради.

«Маъмурият» сўзи лотича «administratio» сўзидан олинган бўлиб, «бошқариш» маъиосини билдиради. Шу боис маъмурий ҳуқуқ кўпинча бошқарув ҳуқуқи ёки бошқаришга оид ҳуқуқ деб таърифланади.

Ҳар қандай бошқарув муайян муносабатларни тартибга солиб туради. Жамиятдаги бошқарув ижтимоий бошқарув деб аталади. У инсонларни асосий мақсад йўлида жипслаштириш, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, бутун жамиятни жипслаштириш учун қўлланади.

Ижтимоий бошқарувнинг асосий турларидан бири давлат бошқарувидир. У давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви қуйидаги хусусиятларга эга:

- ❖ Ташкилотчилик фаолиятининг мавжудлиги;
- ❖ Давлат-ҳокимият хусусиятига эга эканлиги;
- ❖ Бошқарув фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлатнинг идтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаолият соҳаларидаги функцияларни бажарилиши;
- ❖ Ваколат бошқарув субектлари *тоомонидан амалга оширилади.*

Давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи маъмурий ҳукук деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлар асосан, қуйидагилардан иборат:

- ❖ Ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар, қўмиталар, ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатлар;
- ❖ Бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқарув органлари (икки вазирлик, икки ҳокимлик ва ҳ.к.) ўртасидаги муносабатлар;
- ❖ Давлат бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хотин-кизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар;
- ❖ Давлвт бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар;

Маъмурий хуқуқ предмети-ижроия хокимият фаолиятини ташкил этиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Маъмурий хуқуқ манбалари

Маъмурий хукуқ манбалари бўлиб,ўзида маъмурий хуқуқ нормаларни ифода этган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг (айрим ҳолларда бошқа давлвт органларининг) актлари хисобланади. Бу нормал қонунларда, вакиллик органларининг

норматив ҳужжатларида Президент фармонларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳокимларнинг норматив актларда намоён бўлади.

Бошқа хуқуқ сохалари сингари маъмурий ҳуқуқнинг ҳам асосий манбаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Хусусан, Конституцияга биноан давлат бошқаруви органлари тизимига раҳбарлик қилувчи орган бу-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Конституциянинг 89-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир, деб белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Кодекси, Божхона Кодекси, Солиқ Кодекси ва бошқа ҳуқуқий норматив актларни киритишимиз мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қатор қонунларни киритишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4-январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида» ги[10], Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти туғрисида»ги[11], Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12-декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги[12] қонун ҳужжатлари ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Маъмурий ҳўкуқ манбаларига шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан чиқарилган актлар ҳам маъмурий ҳуқуқнинг манбалари қаторига киради.

*Маъмурий-ҳуқуқий нормалар*-давлат бошқаруви соҳасида давлат бошқаруви органлари, давлат хизматчилари, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг қонунчилик билан рухсат этилган юриш-туриш чегарасини белгилаб беради.

*Маъмурий-ҳуқуий муносабатлар ва уларнинг турлари*. Маъмурий ҳуқуқий муносабат деганда, маъмурий-хуқуқий нормалар воситасида ўрнатилган ҳамда кафолатланган ўзаро мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгаси бўлиб майдонга чиқадиган бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Юридик хусусиятига кўра, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари вертикал ва горизонтал ҳуқуқий муносабатларга ажратилади.

Вертикал ҳуқуқий муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий бошқарувнинг ҳамда субъект ва объект ўртасида юзага келадиган давлат бошқарув фаолияти учун хос бўлган субординация алоқаларининг моҳиятини энг кўп даражада акс эттиради. Одатда ҳокимият муносабатлари деб аталадиган муносабатлар айнан шу муносабатлардир.

Горизонталь ҳуқуқий муносабатлар деганда, тарафлар амалда ва юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўладиган муносабатлар тушунилади. Бинобарин, уларда бир тарафнинг бошқа тараф учун бажарилиши мажбурий бўлган юридик ҳокимият кўрсатмалари бўлмайди.

*Фуқаролар ва ижро этувчи ҳокимият органлари.* Ижро этувчи ҳокимият органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.* Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ижро этувчи ҳокимият ваколатларини амалга оширади, ижро органлари тизимига бошчилик қилади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

*Марказий ижро этувчи органлар.* Ижро этувчи ҳокимият органлари таркибига ҳукумат билан бир қаторда махсус ваколатли давлат органлари-тармоқ ёки тармоқлараро функцияларни бажарувчи органлар киради. Уларнинг тузилишини Республика Президенти белгилайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ижро этувчи ҳокимият марказий органларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига қуйидагилар киради:

- Вазирликлар;
- Давлат органлари;
- кўмиталар, департаментлар, агентликлар, шунингдек, республика вазирликлари, давлат қумиталари қошидаги бошқа давлат бошқарув органлари (умумлаштирилган ҳолда улар идоралар деб аталади);
- Қўмита, бош бошқАРМа, комиссия, агентлик ва ҳукумат таркибига кирмайдиган бошқа республика давлат бошқарув органлари.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органлари ўз функциялари ва ваколатларининг табиатига кўра, муайян хусусиятларга эга.

Вазирлик-республиканинг марказий ижро этувчи органи булиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоги (соҳаси) га раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармокламаро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Давлат қумитаси-республиканинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқлари (соҳалари) да ягона давлат сиёсатиии утказади ва ушбу мақсадда қонунга кура тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Вазир ёки давлат қумитасининг раиси ҳузурида маслаҳат берувчи ва кенгашувчи орган-вазирлик, давлат қумитасининг ҳайъати ташкил этилади.

Вазирлик ёки давлат қумитаси чиқарадиган қарор вазирнинг буйруғи билан ҳамда давлат қумитасининг раиси имзолайдиган қарор билан расмийлаштирилади.

Мамурий мажбурлов-ижро этувчи орган (мансабдор шаҳс) нинг қонунга асосланган ва ундан келиб чиқадиган ҳамда жамоат тартибини сақлашга, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

Маъмурий мажбурлов чоралари хилма-хилдир. Уларни, мақсадига кура, турт гуруҳга бўлиш мумкин:

- *Маъмурий олдини олиш чоралари;*
- *Маъмурий чеклаш чоралари;*
- *Маъмурий тиклаш чоралари;*
- *Маъмурий жавобгарлик чоралари;*

Маъмурий олдини олиш чоралари мажбурлов тусига эга бўлиб, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар булганда юз бериш эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қулланилади.

*Маъмурий чеклаш* чоралари ғайриқонуний ҳаракатни мажбурий тартибда тухтатиш ва уларнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш зарур бўлган ҳолларда қулланилади.

*Маъмурий-тикловчи* чоралар ашёларнинг аввалги ҳолатини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўлланилади.

*Маъмурий жавобгарлик чоралари* ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маъмурий жазо қуллашида ифодаланади.

*Маъмурий-жавобгарлик*-жавобгарликнинг барча белгилари хос булган юридик жавобгарликнинг махсус тури.

*Маъмурий жавобгарлик*-ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг махсус ваколатли органлари ва мансабдор шахслари айбдорга белгилайдиган маъмурий жазолар тизими.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.* Маъмурий жавобгарликни қуллаш учун асос булиб маъмурий ҳуқуқбузарлик хизмат қилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари қуйидагилардир:

- Жамиятга қарши хусусият;
- Ғайриқонунийлиги;
- Айблилиги;
- Қилмишнинг жазога лойиқлиги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг белгилари (элементлари) қуйидагилардан иборат:

- Объект;

- Объектив томон;
- Субъект;
- Субъектив томон.

Маъмурий хукукбузарликнинг объектини нормалари билан тартибга солинган ва маъмурий хукукбузарлик органлари билан мухофазаэтиладиган ижтимоий муносабатлар ташкил килади.

Маъмурий жазо ва унинг турлари. Маъмурий жазо маъмурий хукукбузарлик учун жавобгарлик чораси булиб, куйидаги максадларда кулланилади:

- Маъмурий хукукбузарликни содир этган шахсни конунга риоя этиш ва хукуктаргиботни хурмат килиш рухида тарбиялаш;
- Унинг янги хукукбузарликлар содир этишнинг олдини олиш;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасида маъмурий жазонинг куйидаги турлари белгилаб куйилган;

- Жарима;
- Маъмурий хукукбузарлик содир этиш куроли ёки бевосита предмети бўлган нарсани пул эвазига олиб куйиш;
- Маъмурий хукукбузарлик содир этиш куроли ёки бевосита предмети булган нарсани мусодара килиаш;
- Шахсни унга берилган махсус хукукдан (транспорт воситасини бошкариш хукуки, ов килиш хукукидан) махрум этиш;
- Маъмурий камок.

Маъмурий жазо фақат Узбекистон Республикаси қонунларида белгиланиши мумкин.

Таянч иборалар

1. Вазирлик-республиканинг марказий ижро этувчи органи булиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоғига раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармоклараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

2. Давлат қумитаси-республиканинг марказий ижро этувчи органи булиб, давлат бошқарувининг тегишли тармоқлари (соҳалари) да ягона давлат сиёсатини ўтказади ва ушбу мақсадда қонунга кура тармоклараро мувофиклаштиришни амалга оширади.

3. Мамурий мажбурлов-ижро этувчи орган (мансабдор шахс)нинг қонунга асосланган ва ундан келиб чиқадиган ҳамда жамоат тартибини саклашга, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятдир

4. Маъмурий жавобгарлик-ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг махсус ваколатли органлари ва мансабдор шахслари айбдорга белгилайдиган маъмурий жазолар тизими.

5. Жарима-маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсга белгиланадиган пул ундириш.

6. Ижро этувчи ҳокимият-Узбекистон Республикаси ягона давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти билан яқиндан алоқада бўлган нисбатан мустақил тармоғидир.

7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик-қонун ҳужжатларига бианоан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутишган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка ва давлат жамоат тартибига тажовуз қилувчи, ғайриқонуний, айбли содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

8. Мулк реаквизицияси-мулкни маълум муддатга маъмлум муддатга олиб қўйиш.

9. Прокуратура- назорат органи.

10. Маъмурий жазо-маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси.

-МАЪРУЗА,

| 3-мавзу: Маъмурий ҳукуқ тушунчаси<br>Режа:<br>1. Маъмурий ҳукуқ тушунчаси.<br>2. Маъмурий ҳукуқ тизими<br>3. Маъмурий ҳукуқ субьектлари.<br>4. Маъмурий мажбурлов.<br>5. Маъмурий жавобгарлик<br>6. Маъмурий жазолар тушунчаси |
|---|

1-илова

БББ жадвали

| | Биламан | Билмокчиман | Билиб олдим |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-илова

| *Билиш*- суров<br>1. Маъмурий қандай тушунча?.<br>2. Маъмурий жавобгарлик қандай белгиланади?<br>3. маъмурий жазо қандай тушунча?<br>4. бошқарувдаги ҳуқуқлар қандай белгиланади. |
|---|

4-илова

*Мавзу -маъмурий ҳуқуқ маърузасини олиб бориш технологияси*

| Машғулот шакли | *Мавзу бўйича маъруза* |
|---|---|
| Маъруза режаси | 1. Маъмурий ҳукуқ тушунчаси.<br>2. Маъмурий ҳукуқ тизими<br>3. Маъмурий ҳукуқ субьектлари.<br>4. Маъмурий мажбурлов.<br>5. Маъмурий жавобгарлик<br>6. Маъмурий жазолар тушунчаси |
| ўкув машғулотининг максади | Маъмурий ҳукуқ ҳақида тушунча бериш. |
| Таянч тушунча ва иборалар | Маъмурий ҳукуқ, Вазирлар махкамаси, субьектлар, маъмурий жавобгарлик, маъмурий муомала лаёқати. Инстанция |
| Педагогик вазифалар: | укув фаолияти натижалари: |

| | |
|---|---|
| □ Маъмурий ҳуқуқ тушунчасини таҳлил этади<br>□ Маъмурий ҳуқуқ тизими тушунчасини изоҳлайди<br>□ Маъмурий ҳуқуқ субъектларини тушунтиради.<br>□ Маъмурий мажбурловни таҳлил этиб беради.<br>□ Маъмурий жавобгарликни тушунтиради<br>□ Маъмурий жазоларни таҳлил ва тушунтиради | □ Маъмурий ҳуқуқ тушунчасини таҳлил этишни ўрганади;<br>□ Маъмурий ҳуқуқ тизими тушунчаси ҳақида тасаввурга эга булади;<br>□ Маъмурий ҳуқуқ субъектлари турларини билиб олади;<br>□ Маъмурий мажбурлов ҳақида тасаввурга эга бўлади;<br>□ Маъмурий жавобгарлик турларини таҳлил этишни ўрганади<br><br>□ Маъмурий жазоларни таҳлил этишни ўрганади |
| • ўқитиш воситалари | • маъруза матни, компьютер, компьютер слайдлари, доска, |
| • укитиш усуллари | Маъруза, тушунтириш, инструкция бериш, намойиш, блиц-сўров, диаграмма- Венна |
| • укитиш шакллари | Фронтал, коллектив иш |
| • ўқитиш шароити | • ўқитиш фан хонаси, укув жихозлари |

Маъруза машғулотининг технологик картаси.

| Фаолият боскич-лари | Фаолиятининг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-боскич. мавзуга кириш (10 мин) | 1.1. Маъруза машғулотинигнг режасини эълон қилади ва бу мавзу дарс давомида урганилишини айтади. | Тинглайдилар Машғулот режасини ёзиб оладилар |
| | 1.2. Маърузани бошлашдан олдин ақлий хужум уюштиради | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 -боскич. Асосий бўлим (60 мин) | 2.1.Маърузанинг1- саволи бўйича тушунтиради, Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| | 2.2. Маърузанинг 2- саволи буйича Венна диаграммасини яратишни таклиф этади. Талабалар ёрдамида диаграммани тулдиради. | Венна диаграммасини яратишда иштирок этадилар |
| | 2.3. Маърузанинг 3- саволи буйича кўргазмали маърузани давом эттиради. | Тинглайдилар. конспект қилиб борадилар. |
| 3-боскич. Якунловчи | 3.1. 3.1.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. | Саволлар берадилар |
| | 3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | Тушунчаларни қайд этадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| (10 мин) | 3.3. Мавзу буйича мустакил урганиш учун топшириклар беради. | Мустакил урганиш учун топширикларни ёзиб оладилар |

1-илова

Билимларни жонлантириш учун саволлар

1. Маъмурий хуқуқ тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида нималарни биласиз?
3. Маъмурий судларнинг вазифаси нимадан иборат?
4. Маъмурий ислоҳотлари аҳамияти нималардан иборат?
5. Маъмурий ишларни судларда кўриб чиқилиши ҳақида нималарни биласиз?

*Маъмурий ҳуқуқ СЕМИНАР машғулотини олиб бориш технологияси*

| Машғулот шакли | *Мавзу бўйича маъруза* |
|---|---|
| Амалий машғулот режасн | 1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.<br>2. Маъмурий ҳуқуқ тизими<br>3. Маъмурий ҳуқуқ субьектлари.<br>4. Маъмурий мажбурлов.<br>5. Маъмурий жавобгарлик<br>6. Маъмурий жазолар тушунчаси |
| укув машғулотининг мақсади | Маъмурий ҳуқуқ ҳақида тушунча бериш. |
| Таянч тушунча ва иборалар | Маъмурий ҳуқуқ, Вазирлар махкамаси, субьектлар, маъмурий жавобгарлик, маъмурий муомала лаёқати. Инстанция |
| Педагогик вазнфалар: | укув фаолияти натижаларн: |
| □Маъмурий ҳуқуқ тушунчасини тахлил этишнн сурайди;<br>□ Маъмурий ҳуқуқ тизими тушунчаси бўйича суров утказади;<br>□ Маъмурий ҳуқуқ субьектларини схемалаштириш вазифасини баҳолайди;<br>□ Маъмурий мажбурловни тахлил этиб беришнн сўрайди;<br>□Маъмурий жавобгарлнкнн тушунтиршни сўрайди;<br>□ Маъмурий жазоларни тахлил ва тушунтирншни сурайди | □ Маъмурий хуқуқ тушунчасини тахлил этиб, саволларга жавоб берадилар;<br>□ Маъмурий хуқуқ тизими тушунчаси ҳақида тасаввурларини изохлайдилар;<br>□ Маъмурий ҳуқуқ субьектлари турларини схемаларини укитувчига тушунтирадилар;<br>□ Маъмурий мажбурлов ҳақида тасаввурларини изоҳлайдилар;<br>□ Маъмурий жавобгарлик турларини тахлил этадилар;<br><br>□ Маъмурий жазоларни тахлил этадилар. |
| Укитиш усуллари | Суҳбат, ақлий хужум, тақдимот, блиц-сўров |
| Укитиш воситалари | Маъруза матнлари, тарқатма материллар, доска, бур, видео проектор |

| | |
|---|---|
| Укитиш шакллари | Фронтал ва жамоавий, гуруҳларда ишлаш |
| Ўқитиш шароитлари | Техник таъминланган, гурухларда ишлашга мослаштирилган аудитория |
| М ва Б | Огзаки назорат: савол жавоб |

**Амалий машгулотнинг технологик картаси**

| Босқичлар, вақт | Фаолият | |
|---|---|---|
| | Укитувчи | Талабалар |
| 1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 мин.) | 1.1. Укув машгулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни утказиш режасини айтади. | Диққат билан тинглаб, саволларга жавоб бера оладилар |
| 2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (20 мин.) | 2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказади.<br>2.2. Иш гуруҳларда/жуфтликларда ўқув вазифалари бажарилгандан сўнг "Давра суҳбати" сифатида давом эттирилишини эълон қилади."Давра суҳбати" қоидалари билан таништиради<br>Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. | Тушунчларга тариф берадилар.Тинглайдилар, саволлар берадилар. |
| 3-босқич. Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.) | 3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида мухокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди.<br>Вазифани бажаришда қушимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш вароғларини тарқатади.<br>3.2. Гуруҳларда иш бошланганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради. | Укув вазифаси, йўрикнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар<br>Вазифани бажарадилар, тақдимот вароғларини расмийлаштирадилар. |
| 4-босқич. "Давра суҳбати" муҳокамаси (20 мин.) | 4.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокамаси ва баҳоланишини ташкил этади.<br>Вазифаларни бажариш жараёнида қилинган хулосалар, умумлаштиришларга алоҳида эътибор қаратади. | Гуруҳлар етакчилари жамоавий ишлаб чиқилган фикрни баён қиладилар.<br>Иштирокчилар қушимча қиладилар, саволлар берадилар. |
| 5-босқич. Якуний (10 мин.) | 51.Ишга якун ясайди, баҳолар қуяди.<br>5.2. Мустақил иш учун вазифа беради. | 5.1.Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова

Блиц-суров саволлари:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаларни таснифланг.
2. Маъмурий ҳуққ субьектлари турларини санаб утинг
3. Маъмурий мажбурловни тушунтиринг
4. Мамурий махкамага таъриф беринг.
5. Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз.
6. Маъмурий жазо қандай турлари бор?

2-илова

“Давра суҳбати” мунозарасини утказиш буйича йуриқнома

1. Сузга чиққанларни диққат билан, булмасдан тингланг.
2. Маърузачининг фикрига қушилмасанг, уз фикрингни билдиришга рухсат сура.
3. Маърузачининг фикрига қушилсанг, куриб чиқилаётган масала бўйича қушимча фикрлар билдир.

3-илова

“Давра суҳбатида” муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Маъмурий, жавобгарлик тушунчаларини таснифланг
2. Маъмурий мажбурлов ҳужжатда белгиланади.
3. Маъмурий жазо турлари таснифи

4-илова

Натижаларни баҳолаш вароғи

Индивидуал баҳо эссе баҳоси 21 балл) ва гуруҳ иши баҳосини (3 балл) йигиндисига тенг (2 балла). Максимал баҳо – 5 балл: 4-5 баллар – «аъло»; 3-4 балл – «яхши»; 3 «қониқарли»; 2дан паст баллов – «қониқарсиз».

| Савол ва гуруҳ рақами | Жавоб (1 балл) | Бошқаларга савол (1 балл) | Қушимча киритиш (2 балл) | Кўргазма (схема,жадваллар ва ҳ.к.) (1 балл) | Жами (1 балл) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| n | | | | | |

5-илова

Мустақил ишлаш учун вазифа

3. “Маъмурий ишларни кўриш” мавзусида эссе.

Назорат саволлари

1. Маъмурий ҳуқуқ предмети нима?
2. Горизонтал ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунилади?
3. Фуқаролар ва ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисида маълумот беринг.
4. Маъмурий чеклаш чоралари қандай амалга оширилади?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари?
6. Муайян жиноятларнинг субъекти деб неча ёшга тўлган шаҳслар тан олинади?
7. Маъмурий қамоқ кишиларга қулланиши мумкинми?

8. Маъмурий ҳуқуқбузарликни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат қачондан бошлаб кучга кирган?
9. Майда безориликка доир ишлар ғояга етмаганларга нисбатан қайси органларда куриб чиқилади?
10. Маъмурий ҳуқуқ манбаларига нималар киради?

Тест

1. «Маъмурий» сузи қандай маънони билдиради?
А) бошқарув
Б) урганаман
С) келишув
Д) тадбиқ
2. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари неча қисмга булинади?
А) 2
Б) 3
С) 4
Д) 5
3. Маъмурий ҳуқуқ тизими нечта тизимдан иборат?
А) 2
Б) 3
С) 4
Д) 1
4. Маъмурий ҳуқуқ тизимининг қайси қисмида ҳар бир соҳага тадбиқ этиладиган ҳуқуқ нормалари урганилади?
А) махсус
Б) умумий
С) маъмурий
Д) бошқарув
5. Маъмурий ҳуқуқ меъёрлари қандай усулларда амалга оширилади?
А) ижро
Б) риоя этиш
С) фойдаланиш
Д) барчаси
6. Маъмурий ҳуқуқ тамойиллари берилган қаторни топинг.
А) конунийлик, объективлик
Б) адолат, фуқаролар тенгли ва эркинлиги
С) ваколат доирасида жавобгарлик
Д) А, Б ва С
7. Жиноий жавобгарликка неча ёшдан тортилиши мумкин?
А) 14, 16
Б) 16, 18
С) 13, 14
Д) 11, 12
8. Маъмурий ҳуқуқ манбаларига нималарни киритишимиз мумкин?
А) ҳаво кодекси
Б) божхона кодекси
С) солиқ кодекси
Д) норматив актлар

Тавсия этиладиган адабиётлар
рўйхати.

1. Каримов И. Узбекистон сиесий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // "Ўзбекистон", Т:.1995.
2. Каримов И. Қонунлар Халқ хизматида. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясидаги нутк. // "Халқ сўзи", 1996. 27 декабр.
3.Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. //Т.2. Тошкент, 1996.
5. Каримов И.А. Янгиланиш ва узгаришлар жараёни орқага кайтмайди // Халқ сўзи 2002. 5 апрель.
6. Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсаднмздир"/Президент И.Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Т.: "Узбекистон". 2010 Б-14.
7. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маъруза.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Ўзбекистон". 2010 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.
10.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2010.- 496 б. Каримова О., Гафаров З. "Давлат ва ҳуқуқ асослари". // "Укитувчи", Т:.1995.
11. Саидов А. Тошкулов Ж. "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" УзР. ИИВ Академияси, т:.1995.
12. Саидов А., Таджиханов У. "Давлат ва ҳуқуқ асослари". Дарслик // Т:"Адолат",1999.
13. Саидов А., Таджиханов У. Одилқориев Х. "Давлат ва ҳуқуқ асослари".Дарслик.// Т:"Шарк", 2002.
14. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изоҳли луғат.// Т., 1996.
15. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т., 2000.
16. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.
17. Хакимов Г. Маъмурий ҳуқуқ (махсус қисм). – Т.: ТДЮИ, 2005. - 331 б.
18. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –916 б.
19. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:Уз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б
20. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O'z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 6- Мавзу: Фуқаролик ҳуқуқи асослари

**РЕЖА:**

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси.
2. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари.
3. Ҳуқуқий лаёкат ва муомала лаёкати.
4. Мулк ҳуқуқи.

Ушбу сузларни эслаб ҚОЛИНГ!

Фуқаролик ҳуқуқи, фуқаровий-ҳуқуқий муносабат, муомала лаёкати, ҳуқуқий лаёкат, васий, хомий, эмансипация, юридик шахс, субъект, мулк, мулк ҳуқуқи, эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф килиш.

Фукаролик хукуки — хукукнинг мустакил тармоги булиб, томонларнинг юридик тенглигига асосланган мулкий ва шахсий номулкий хамда товар-пул муносабатларини тартибга солади.

Фукаролик хукуки мулкчилик муносабатларини, иктисодий фаолият иштирокчиларининг шартномавий алокаларини (олди-сотди, пудрат, сугурта ва х.к.), етказилган зарарни коплаш, интелектуал мулк, меросга оид муносабатларни тартибга солади. Ушбу муносабатлар фукаролик хукукининг *предметини* ташкил этади.

*Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари:*

- Ўзбекситон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекситон Республикасининг Фукаролик кодекси ва таалукли қонунлар.
- Қонун ости хужжатлари.
- Иш муомаласи одатлари, махаллий одат ва анъаналар.

Фукаролик хукукида муносабатлар *иштирокчилари* булиб, *жисмоний* ва *юридик* шахслар хисобланадилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг фукаровий-хукукий муносабатда иштирок этишларининг зарурий шартлари булиб уларнинг хукук ва муомала лаёкатига эга булишлари хисобланади.

*Буни билиб куйинг!*

Ҳукук лаёкати инсоннинг тугилиши билан вужудга келади ва улими (вафоти) билан тугайди.

Муомала лаёкати тулалигича инсоннинг 18 ёшга тулиши билан вужудга келади.

Муомалага лаёкатисизлик масаласи суд тартибида аникланади ва муомалага лаёкатсиз деб топилган шахсларга *васий* ёки *хомий* тайинланади.

Фукаролик конунчилигида баъзи холларда вояга етмаганларнинг эмансипациясига, яъни уларни тулалигича муомалага лаёкатли деб хисоблашга йул куйилади.

Эмансипация-лотинча Emancipatio сўзидан олинган булиб, хукукларда тенглашиш маъносини билдиради.

Юридик шахс тушунчаси.

| |
|---|
| Уз мулкида, хужалик юритишида ёки оператив бошкарувида алохида мол-мулкка эга бўлган хамда уз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, уз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга була оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара олдиган, судда даъвогар ва жавобгар була оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади. |

Ёдда тутинг!

Юридик шахсларнинг хукук ва муомала лаёкати, улар давлат руйхатига олингандан вактдан бошланади хамда у тугатилган вактда тугайди.

*Юридик шахслар куйидаги турларга булинади:*

1.Тижоратчи ташкилотлар.
2.Тижоратчи ташкилот булмаган юридик шахслар.

МУЛК ҲУҚУҚИ – бу уз эгасига унга тегишли мулкка нисбаган эгалик килиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш буйича ваколатлар берувчи ашёвий хукукдир.

Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонунига асосан мулкнинг шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк.
2. Жамоа мулки.
3. Давлат мулки.
4. Аралаш мулк.
5. Бошка давлатлар хамда Халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки.

Мулк ҳуқуқини химоя килиш усуллари.

| Мулк ҳуқуқини химоя килиш усуллари. | |
|---|---|
| *Виндикацион даъво* | *Негатор даъво* |
| Мулкдорнинг уз мол-мулкини бошка хар кандай шахснинг ноқонуний эгалигидан кайтаришни суд орқали талаб килиб олиш ҳуқуқи. (ФК. 228-м). | Мулкига эгалик килаётган мулкдорнинг шу мулкдан фойдаланиши ва тасарруф этишдаги қонуний ҳуқуқларини амалга оширишидаги тускинликларни бартараф этиш талабидир. (ФК 231-м). |

*Даъво муддати* – дейилганда ҳуқуқи бўзилаётган шахснинг даъвоси буйича унинг ҳуқуқини химоя килиш муддати тушунилади.

| |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи кисми 1995 йил, иккинчи кисми эса 1996 йил қабул килинган. |

МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ.

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, предмети, услуби ва функциялари.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари.
3. Фуқаролик ҳуқуқи тизими.
4. Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг асосий ривожланиш босқичлари.
5. Фуқаролик ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва турлари
6. Фуқаролик қонунларининг вақт, ҳудуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши
7. Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси
8. Фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва уларнинг турлари

| Вакти – 1 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
|---|---|
| Ўқув машғулотининг шакли | Кириш, визуал маъруза |
| Маъруза машғулотининг режаси | 1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, предмети, услуби ва функциялари.<br>2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари.<br>3. Фуқаролик ҳуқуқи тизими.<br>4.Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг асосий ривожланиш босқичлари.<br>5.Фуқаролик ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва турлари<br>6. Фуқаролик қонунларининг вақт, ҳудуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши<br>7. Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ |

| | |
|---|---|
| | аналогияси<br>8. Фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва уларнинг турлари |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари, тизими ва манбалари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>- фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси билан таништириш ва фаннинг предметини тушунтириш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тизими билан таништириш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини тавсифлаш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи манбаларини таснифлаш;<br>- Фуқаролик ҳуқуқи инцтитутларини, яъни шахслар, битимлар, шартномалар, мажбуриятлар, мулк, неустойка ва бошқа тушунчаларни изоҳлаш ва тасаввур ҳосил қилиш. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br>Талаба:<br>- фуқаролик ҳуқуқининг предмети ҳақида тасаввурга эга бўлади;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тушунчаларини тушунади;<br>- "Фуқаролик ҳуқуқи" фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ва уни фанлар ичида тутган ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлади.<br>- Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларини тушунади.<br>- Фуқаролик қонунларининг вақт, ҳудуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши қоидаларини ўрганади.<br>- Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси амал қилишини тушунади.<br>Фуқаролик ҳуқуқи институтларини, яъни шахслар, битимлар, шартномалар, мажбуриятлар, мулк, неустойка ва бошқа тушунчаларни изоҳлаш ва тасаввур ҳосил қилади |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш, кластер, "ҳа-йўқ" техникаси |
| Ўқитиш воситалари | Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар. |
| Ўқитиш шакли | Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш. |
| Ўқитиш шарт-шароити | Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория |

Маъруза машғулотининг технологик картаси (машғулот)

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-босқич.<br>Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади. | 1.1. Эшитади, ёзиб олади. |
| 2-босқич.<br>Асосий<br>(60 мин.) | 2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади.<br>- фуқаролик ҳуқуқига доир қандай атамаларни биласиз?<br>- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳуқуқий онгни шакллантириш зарурати нимада деб ўйлайсиз?<br>- ҳуқуқий онгни қайси фан шакллантиради?<br>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади.<br>Фуқаролик ҳуқуқи, унинг предмети, тамойиллари, ривожланиш босқичлари ва | 2.1. Эшитади.<br>Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади.<br>Ўйлайди, жавоб беради.<br>Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.<br>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади.<br>Саволлар бериб, асосий жойларини |

| | | |
|---|---|---|
| | манбалари тушунчаларини шарҳлайди.<br>а) фуқаролик ҳуқуқи фани нимани ўрганади деб ўйлайсиз?<br>б) У қандай вазифаларни бажаради?<br>в) Бошқа фанлар билан қандай боғликлиги бор ва аҳамияти нимада? каби саволлар орқали "Фуқаролик ҳуқуқи" фанининг предметини тушунтириб берадилар.<br>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди. | ёзиб олади.<br>2.3. Эслаб қолади, ёзади.<br>Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади.<br>Таърифни ёзиб олади, Мисоллар келтиради. |
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | 3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.<br>Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.<br>Мустақил иш учун вазифа: "тамойил" сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди. | 3.1. Эшитади, аниқлаштиради.<br>3.2. Топшириқни ёзиб олади. |

1-илова

ББББ жадвали

| | Биламан | Билмоқчиман | Билиб олдим |
|---|---|---|---|
| | | | |

2-илова

Билиш- сўров

1. "Фуқаролик ҳуқуқи"-қандай тушунча?
2. Моддий жавобгарлик қандай белгиланади?
3. Пеня- қандай тушунча?
4. Шахс ҳуқуқлари қандай белгиланади?

Визуал материаллар

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети

**Фукаролик хукукининг предмети**

- Мулкий муносабатлар
- Мулк билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий муносабатлар
- Ўз.Р ФКда кўзда тутилган ҳолатларда бошқа шахсий номулкий муносабатлар

**Фуқаролик ҳуқуқи услубининг хусусиятлари**

- муносабат иштирокчиларининг юридик жиҳатдан тенглиги
- муносабат иштирокчиларининг мулкий мустакиллиги
- мустакил мулкий жавобгарлик
- диспозитивлик
- муносабат иштирокчилари ўртасидаги низоларни суд тартибида ҳал килиниши
- даъво муддатини қўлланилиши
- Айблилик презумпция

Фуқаролик ҳуқуқи тизими

**умумий қоидалар**

- мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар
- мажбурият ҳуқуқи
- интеллектуал мулк
- ворислик ҳуқуқи
- халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш

Фукаролик хукукининг тамойиллари

**Мулк шаклларининг тенг даражада ривожланиши ва ҳимоя қилиниши**

- мулкнинг дахлсизлиги
- иштирокчиларнинг тенглиги
- шартнома эркинлиги
- хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмаслиги
- фукаролик ҳуқуқларининг тўсқинликларсиз амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши
- ЎзР. худудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши
- Қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса рухсат берилиши

Фуқаролик ҳуқуқининг вазифалари




Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси



Фуқаролик ҳуқуқи мавзуси бўйича семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| Вақти – 2 соат | Талабалар сони: 25-30 нафар |
| Ўқув машғулоти шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти |
| Семинар машғулотининг режаси | 1. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунчаси.<br>2. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари (таснифи).<br>3. Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларининг келиб чиқиш асослари. Юридик фактлар.<br>4. Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши.<br>5. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.<br>1. Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси.<br>2 Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати тушунчаси.<br>3. Ҳуқуқ лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлиши.<br>4 Фуқароларнинг муомала лаёқати. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда "ақлий ҳужум" усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>- - фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва фаннинг предметини тушунчасини сўраш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тизими таҳлил эттириш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини тавсифлашни сўраш;<br>- фуқаролик ҳуқуқи манбаларини таснифлашни сўраш;<br>- илмий билиш усулларини изоҳлаш ва тасаввур ҳосил қилишларини билдириш.<br>- Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати тушунчасига таърифни сўраш;<br>- Ҳуқуқ лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлишини, муомала лаёқатини таҳлил эттириш | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br>- Талаба:<br>- фуқаролик ҳуқуқининг предметини изоҳлайди;<br>- фуқаролик ҳуқуқи тушунчаларига таъриф беради;<br>- "Фуқаролик ҳуқуқи" фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ва уни фанлар ичида тутган ўрнини тавсифлайди.<br>- Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларини таснифлайди.<br>- Фуқаролик қонунларининг вақт, ҳудуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши қоидаларини ўрганади.<br>- Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси амал қилишини изоҳлайди.<br>Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турларини изоҳлайди;<br>- Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати тушунчасига таъриф беради;<br>- Ҳуқуқ лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлишини, муомала лаёқатини таҳлил этиш. |
| Ўқитиш услуби ва техникаси | Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, "муносабат", "фуқаролик" сўзларига кластер, мунозара. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска. |
| Ўқитиш шакли | Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш. |
| Ўқитиш шарт-шароити | Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория. |

Семинар машғулотининг технологик картаси (машгулот)

<table>
<tr><th rowspan="2">Босқичлар, вақти</th><th colspan="2">Фаолият мазмуни</th></tr>
<tr><th>Ўқитувчи</th><th>Талаба</th></tr>
<tr><td>1-босқич.<br>Кириш (10 мин.)</td><td>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди.<br>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади.<br>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:<br>Фуқаролик ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ қандай терминларни биласиз?<br>Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми?<br>Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</td><td>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.</td></tr>
<tr><td>2-босқич.<br>Асосий<br>(60 мин.)</td><td>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова).<br>Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.<br>2.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова).<br>Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади.<br>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади.<br>Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади.<br>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.<br>2.5. Талабалар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.<br>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади.<br>Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради.<br>Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</td><td>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар.<br>2.2. Саволлар беради.<br>2.3. Жавобларни тўлдиради.<br>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</td></tr>
<tr><td>3-босқич.<br>Якуний<br>(10 мин.)</td><td>3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.<br>3.2. Мустақил иш сифатида “Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” мавзусида “реферат” ёзишни топширади.</td><td>3.1. Эшитадилар.<br>3.2 Топшириқни оладилар.</td></tr>
</table>

Укув топшириклар

| Гурух билан ишлаш коидалари |
|---|
| Гурух аъзоларининг хар бири<br>- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;<br>- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;<br>- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;<br>- ёрдам сўраганларга кумак беришлари лозим;<br>- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;<br>- "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз" қоидасини яхши билишлари лозим. |

*I. Битта гап билан саволга жавобни шакллантиринг.*

1. Ҳуқуқий муносабат, юридик фактлар, ашёвий муносабатлар, мулкий муносабатлар тушунчалари қандай боғлиқликда намоён бўлади?

2. "Муомала лаёқати" *бўйича схема тўзинг.*

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

| Гурух | 1-топширик | 2-топширик | 3-топширик (хар бир савол 1-2 балл) | | | Баллар йиғиндиси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1. | 2 | 1-савол | 2-савол | 3-савол | 5 |
| 1 | | | | | | |
| 2 | | | | | | |

Б./ Б. /Б техникасини қўллаш қоидалари

| | Тушунча | Биламан | Билишни ҳохлайман | Билдим |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Мулкий муносабатлар | | | |
| 2 | Шахсий номулкий муносабатлар | | | |
| 3 | Ҳуқуқ лаёқати | | | |
| 4 | Муомала лаёқати | | | |
| 5 | Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши | | | |
| 6 | Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш | | | |
| 7 | Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар | | | |
| 8 | Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаро | | | |

*"Инсерт усули"*

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.
(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|---|---|---|---|---|
| Ҳуқуқ лаёқати | | | | |
| Муомала лаёқати | | | | |
| Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши | | | | |
| Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш | | | | |
| Ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар | | | | |
| Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаро | | | | |

*САВОЛЛАР:*

1. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат тушунчаси.
2. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг элементлари (субъектлари, мазмуни ва объекти).
3. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг классификацияси (турларга бўлиниши).
4. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиш асослари. Юридик фактлар.
5. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш.

*1-масала*

Б. Мирзаев ота-онасининг йўқлигида С. Қодировга ўзининг қўл соатини 1000 сўмга сотди. Мирзаев 13 ёшда, Қодиров эса 12 ёшда эди. Шу пулга Мирзаев Нодировдан велосипедни қайтариб бериш, пулни қайтарилишини талаб қилдилар. Нодиров эса Б. Мирзаевнинг вояга етмаганлигини билмаганлигини ва велосипед учун олган пулини ишлатиб юборганлигини айтди. Ўз навбатида С. Қодировнинг отаси Б. Мирзаевнинг ота-онасига сотилган соатни қайтариб бериб, 1000 сўм пулни беришни талаб қилди.

Низо қандай ҳал қилинади?

*2-масала*

Собиров 1997 йил 25 ноябрда Қобиловга "Бону" кичик корхонаси 500. 000 сўмга сотади. Шартнома нотариал гувоҳлантиргач, Собиров Қобиловга шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ФКнинг 490-моддаси талабларига биноан давлат руйхатдан ўтказиш лозимлигини айтса-да, Қобилов бунга эътиборсиз қарайди.

Ушбу вазиятда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келадими ёки йўқми? Сизнинг фикрингиз қандай?

*3-масала*

Қодиров ўз томорқасидаги иссиқхонада помидор етиштириш учун керосин ёқади. Керосин ёнганида чиқадиган тутун Қодировнинг қўшниларига ва шу ернинг ҳавосига салбий таъсир кўрсатади. Қўшнилари Қодировдан камроқ ёқилғи ёқишни сўрашганда, у: "Бу менинг иссиқхонам, менинг томорқам, шунинг учун билганимни қиламан", деди.

Қобиловнинг ҳаракатлари тўғрими? Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 9-моддаси 3-бандини шарҳланг.

*4-масала*

Буюртмачи фуқаро А. Собиров қурилишга ва таъмирлашига ихтисослашган "Нигоҳ" фирмаси билан пудрат шартномасини тузди. Шартнома бўйича келишилган муддатда, муайян ҳақ эвазига А. Собировнинг 330 кв. м. ли хонадонини у томонидан берилган қурилиш хом ашёси ҳисобига таъмирланиши лозим эди. Ишлар бажарилди. Аммо топшириш муддати келганда, деярли барча қурилиш хом ашёсидан "ортиб қолганлиги" маълум бўлди. Буни курувчилар "тежаш" билан изоҳлашди.

Ушбу ҳолат бўйича Сизниг фикрингиз қандай? Асоссиз тежаш асоссиз бойишнинг манбаи ҳисобланадими? У фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтирадими?

*5-масала*

Дўкондан чарм камзул харид қилган истеъмолчи А. Қодиров дўкондор томонидан ўзига белгиланган сифат ва артикулдаги мол топширилмаганлигини билди. Бўлиб ўтган муносабатда товар чеки берилган эди.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаро ўзининг бўзилган ҳуқуқини бевосита ўзи ҳимоя қилиши мумкинми? Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини шарҳланг.

*6-масала*

Валиев Исҳоқовдан мебель сотиб олди. Бир неча кун ўтгач, Исҳоқовнинг хотини Валиевга нисбатан даъво қўзгатиб, суддан шартномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблашни талаб қилади. Бунга асос қилиб, Исҳоқовни шизофрения касаллиги билан касалланганлигини ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлигини, ўзи эса, Исҳоқовнинг васийси эканлигини, мебель сотилган куни шаҳарда бўлмаганлигини кўрсатади. Валиев даъвога эътироз билдириб, Исҳоқовнинг муомалага лаёқатсиз эканлиги тўғрисида хабари йўқлигини, унда Исҳоқов нормал киши сифатида таассурот қолдирганини, мебель сотиш ҳақидаги таклифни ҳам у билдирганлигини, тўланган сумма мебелнинг нархига тўғри келишини айтади.

Судга тақдим этилган маълумотномада Исҳоқов шизофрения касаллиги билан касалланганлиги, вақти-вақти билан касаллик қўзғаб туришини, лекин касаллик қўзғалишлари ўртасидаги даврда ўзини нормал тутиши кўрсатилган эди.

Масала қандай ҳал қилинади?

*7-масала*

Ботир Собировнинг отаси 1992 йил 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ботирга васий қилиб тайинланган Р. Одилов Ботирнинг уйига жойлашиб олди. Бир оз вақтдан кейин Р. Одилов васийлигидан фойдаланиб, Ботирнинг уйини алмаштирди ва уйни ўз номига ўтказиб олди.

1996 йилда муддатидан илгари, Ботирнинг отаси озодликка чиқди фарзанди ёнига қайтди, лекин Р. Одилов Ботирнинг отасини рўйхатдан ўтказишга қаршилик қилди, уйни ҳам бўшатиб бермади.

Ботирнинг отаси уйини қайтариб олишга ҳақлими?

*8-масала*

Абдуллаева эрини бедарак йўқолган деб топишни сўраб судга ариза билан мурожаат қилди. Аризага манзилгоҳлар бюросининг маълумотномасини ҳам қўшиб топширган эди. Суд Абдуллаевни бедарак йўқолган деб қарор чиқарди.

Суднинг қарори тўғрими?

9. Масалани ечинг!

Фуқаро Шокиров Хамид болаликдан руҳий касаллик билан оғрийди. У 21 ёшга кирганида отаси, 25 ёшга тўлганида онаси вафот этди. У катта ховлида ёлғиз колди. Хамидга амакиси васий этиб тайинлади. Хамид амакисини уйида яшай бошлади. Хамидларнинг қушниси Ахмад ака Хамиднинг олдига келди-да сен уйларингда

яшамаяпсан, уй бўш турибди, рози бўлсанг мен сотиб олсам деди. Хамид уйни сотишга розилик билдирди. Бундан хабар топган Хамиднинг амакиси уйни сотишга рози эмаслигини, уйни олди-соттисига фақатгина ўзи ҳақли эканлигини айтиб, Хамид ва қўшниси ўртасидаги оғзаки шартномани бекор килди. Ахмад ака Хамиднинг амакисига уй *сизники эмас, уй Хамидга ота-онасидан мерос уйнинг эгаси у, мен у билан келишдим,* агар қаршилик килсангиз тегишли органларга мурожаат киламан деди.

Савол:

- Ахмад аканинг харакатлари ҳуқуқий-ми?
- Хамиднинг амакисининг жавоби қонунга асосланганми?
- Хамид ўз уйини сота оладими?
- Нима учун?

*Мавзу бўйича мустакил тайёргарлик учун саволлар:*

1.Ўзбекситон Республикаси фуқаролик кодекси кандай муносабатларни тартибга солади?
2.Кимлар фуқаровий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бўла олади?
3.Ҳуқуқ лаёкати деганда нимани тушунасиз?
4. Муомала лаёкати деганда-чи?
5.Юридик шахс деб кимларга айтилади?
6.Эмансипация тушунчасига таъриф беринг?
7.Васийлик ва хомийлик кимларга ва кандай холарда қайси орган томонидан тайинланади?
8.Мулк деганда нимани тушунасиз?
9.Битим нима?
10. Тасарруф килиш ҳуқуқи кимларга таллукли?

**Тавсия этиладиган адабиётлар**
**рўйхати.**

1. Каримов И. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иктисодий истикболининг асосий тамойиллари. // "Ўзбекистон", Т:.1995.
2. Каримов И. Қонунлар Халқ хизматида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясидаги нутк. // "Халқ сўзи", 1996. 27 декабр.
3.Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. //Т.2. Тошкент, 1996.
5. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни орқага кайтмайди // Халқ сузи 2002. 5 апрель.
6. Каримов И.А. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир"/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Т.: "Ўзбекистон". 2010 Б-14.
7. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маъруза.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Ўзбекистон". 2010 йил.
9.Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.
10.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: "Ўзбекистон", 2010.- 496 б. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига шарҳлар. Т., 2000 й.
11.Саидов А., Таджиханов У. Одилкориев Х. "Давлат ва ҳуқуқ асослари".Дарслик.// Т:"Шарк", 2002.

12.Давлат ва ҳуқуқ асослари. Изоҳли луғат.// Т., 1996.
13. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. // Т., 2000.
14. Исломов З.М. Давлат ва хукук назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –916 б.
15. Давлат ва хукуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:Ўз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б
16. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O`z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 7- МАВЗУ: МЕХНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

### РЕЖА:

1. Мехнат ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва манбалари.
2. Мехнат шартномаси. Уни тўзиш ва бекор килиш асослари.
3. Иш вакти ва дам олиш вакти.
4. Мехнат низолари ва уларни хал этиш тартиби.

Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқшунослик тармоқлари орасида етакчи ўрин тутади. У ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат. Бу муносабатлар меҳнат бозорига амал қилиш, меҳнатни ташкил қилиш ва уни қўллаш жараёнида намоён бўлади.

Меҳнатга оид муносабатлар қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

Меҳнатга оид муносабатнинг субъекти - ходим корхона, муассаса, ташкилотнинг меҳнат жамоаси таркибига қўшилади ва ўз меҳнати билан корхона жамоаси олдидаги вазифани бажаришга киришади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотига кўра, муайян меҳнат функциясини бажариш ходим мажбуриятларининг предметини ташкил этади. Муҳими шуки, бу иш бир қанча кишилар фаолияти билан уйғунлашган, яъни меҳнат кооперацияси доирасида бажарилади.

Ходимнинг ва меҳнат жамоаси ҳар бир аъзосининг иш фаолияти муайян режим ўрнатилган шароитда амалга оширилади. Меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг меҳнатни ташкил этишга доир тартиб-интизом, қоида - талабларига бўйсуниши меҳнатга оид муносабатларнинг изчиллиги ва самарадорлигини белгиловчи зарур омиллардан бири.

Меҳнатга оид муносабатлар ихтиёрий характерга эга бўлсада, улар бевосита ишлаб чиқариш доирасида намоён бўлади ва муайян мақсадларни кўзлаб амалга ошириладиган ижтимоий фойдали фаолият саналади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат ҳуқуқининг предметини, яъни меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимлар меҳнатининг ишлаб чиқаришда қўлланиши туфайли пайдо бўладиган ижтимоий меҳнатга оид муносабатлар ташкил этади. Ушбу муносабатлар меҳнат ҳуқуқи предметининг ядроси ҳисобланади.

Ижтимоий воқеликда меҳнат ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар тизими меҳнатга оид муносабатлардан ташқари, улар билан муайян тарзда боғланган бошқа муносабатларни ҳам қамраб олади. Бу муносабатлар меҳнат муносабатларидан илгарироқ, улар билан бир вақтда, ёхуд бевосита меҳнат муносабатларидан келиб чиқиши мумкин. Мазкур муносабатлар жумласига:

*Меҳнат соҳасида ташкилий бошқарувга оид муносабатларни;*

*Ишга жойлаштиришга оид муносабатларни ;*

*Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ муносабатларни;*

*Меҳнат мухофазаси ва меҳнат қонунчилигига риоя этишни назорат қилишга доир муносабатларни;*

*Меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ муносабатларни киритиш мумкин.*

Юқорида санаб ўтилган муносабатларнинг ҳар бирига хос хусусиятларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат соҳасидаги ташкилий бошқарувга оид муносабатларда, одатда, иш берувчи билан меҳнат жамоаси, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатларни акс эттиради.

*Ишга жойлаштиришга доир муносабатлар* ўрта умутаълим, ҳунар техника билим юртлари, техникумларни тамомлаган ёшларни, уруш ногиронлари ва қатнашчиларини, ҳарбий хизматни тугатиб, истеъфога чиққанларни, шунингдек жазони ўтаб бўлган шахсларни, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил этилиши, корхоналарнинг банкрот бўлиши оқибатида ишдан бўшатилган кишиларни ҳамда аҳолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш каби масалаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир муносабатлар асосан ходимларнинг ўқиши, муайян касб ёки мутахассисликка эга бўлиши, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ўз малакасини ошириши жараёнида шаклланади.

*Меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилишга доир* муносабатлар. Бу каби муносабатлар амалда ваколатли давлат идораларининг корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилиш жараёнида намоён бўлади.

Меҳнат низоларини ҳал қилишга доир муносабатлар. Бундай низолар асосан меҳнатни ташкил қилиш, шарт - шароитларини белгилаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараёнида юзага келади. Кўпинча меҳнат низолари иш берувчи билан ходим ўртасида вужудга келган келишмовчилик ўз вақтида ҳал қилинмаган тақдирда рўёбга чиқади. Аммо меҳнат низолари жамоа шартномасини қабул қилиш юзасидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги муайян мутахассислик, малака ёки лавозимга оид ишни, ички меҳнат тартибига бўйсунган тарафлар келишуви, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Меҳнат шартномаси мазмун-моҳияти жиҳатидан кўп қиррали бўлиб, биринчидан, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш шакли; иккинчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ва муайян вақт давомида амал қилишни таъминловчи асос; учинчидан, меҳнат ҳуқуқининг институти сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси фуқароларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ҳамда ишдан бўшатишга оид нормалар мажмуини ташкил этади.

Меҳнат шартномаси, аввало, фуқаролар томонидан уларни Конституцияда белгиланган меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

«Меҳнат шартномаси»нинг тушунчаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у шартноманинг асосий белгиларини ўз ичига қамраб олади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади.

Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Демак, иш вақти:

1) қонун билан ёхуд, унга мувофиқ равишда бир кун, бир ҳафта ва бошқа календарь даврга белгилаган, ходимнинг корхонада ишлаши лозим бўлган соатлар сони (маслан, кунига 7-8- соат, хафтасига 40 соат );

2) календарь вақтнинг бир қисми (муайян кунлар ва соатлар). Бу вақт ичида ходим ўз иш жойида бўлиб, топширилган ишни белгиланган график ёхуд тартибга мувофиқ ёки улардан ташқари (иш вақтидан кейин, дам олиш кунлари ишлаш) вақтда бажарилиши лозим;

3) ҳақиқатда ишланган вақт. Бу вақт ичида ходим мавжуд график ёки тартибга мувофиқ равишда, шунингдек иш берувчининг буйруги ёки рухсати бўлган тақдирда мавжуд график, тартибдан ташқари ўз иш жойида ҳақиқатдан бўлиб, меҳнат вазифаларини бажаради. Меҳнат конунчилигига кўра, ҳақиқатда иш бажарилмаган даврлар (масалан, бекор туриб қолдинган вақт, ҳақ тўланиладиган танаффуслар) ҳам иш вақтига қўшилади.

Иш вақти бўйича имтиёзлар қонунда белгиланган.

## Мавзу: МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

*Меҳнат ҳуқуқи мавзуси маърузани ўқитиш технологияси*

| | |
|---|---|
| Талабалар сони: *30 та* | Вақти: *1 соат.* |
| Ўқув мағулотининг шакли | *Кўргазмали маъруза* |
| Маъруза режаси | 1.Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, субъектлари, тамойиллари ва манбалари.<br>2. Аҳолини иш билан таъминлаш. Меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш асослари.<br>3. Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси.<br>4. Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тўлаш.<br>5. Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби. |
| Ўқув машғулотининг мақсади | *Меҳнат ҳуқуқи ҳақида маълумот бериш* |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| Меҳнат ҳуқуқи, субъектлари, тамойиллари, манбалари ҳақида тушунча берилади; | Меҳнат ҳуқуқи субъектлари, тамойиллари, манбалари бўйича тушунчаларни билиб оладилар ; |
| Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш асослари ҳақида тушунча ва маълумотлар беради; | Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш асослари ҳақида тушунча ва маълумотлар ҳақидаги билимларга эга бўладилар; |
| Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси бўйича маълумотлар берилади; | Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси ҳақида билиб оладилар; |
| Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақида тушунча берадилар: | Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақида билиб оладилар; |
| Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар моҳиятини тушунтиради; | Ҳуқуқшунослик ҳақидаги ҳужжатлар бўйича маълумотлар оладилар; |
| Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартибини тушунтиради. | Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби ҳақида тушунчаларни билиб биладилар. |
| Ўқитиш усуллари ва | маъруза, «Меҳнат интизоми ва меҳнат |

| | |
|---|---|
| техника | муҳофазаси», бахс-мунозара. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер технологияси, проектор,слайдлар, тарқатма манба. |
| Ўқитиш шакли | Жамоа, тўғридан-тўғри ва гурухларда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароитлари | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усулларини қўллаш мумкин бўлган ўқув хона. |
| Мониторинг ва баҳолаш | Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ. |

Маърузанинг технологик картаси

| Иш жараёнлари акти | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1 босқич. Кириш 10ақиқа) | 1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.<br>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади.<br>1.3.Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изох беради. | Тинглайди, мавзу бўйича тушунчаларни ёзиб оладилар<br><br>Таянч иборалар билан танишади |
| 2 босқич. Асосий жараён (60дақиқа) | 2.1. Саволлар бўйича слайдлар асосида маъруза қилади.<br>2.2. Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси жадвалидан фойдаланиб "Ҳуқуқшунослик бўйича стандартларни ҳар биримиз билишимиз шарт?" саволини ўртага ташлайди.<br>Берилган жавоб фикрларини умумлаштиради қўшимча қилади. | Тинглайди, ёзади, саволлар беради.<br><br>Жадвал бўйича стандартларни ўзлаштиради |
| 3 босқич. Якуний босқич (10ақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича умумий хулосақилинади.<br>3.2. Талабаларнинг билим ва кўникмалари баҳоланади.<br>3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун топшириқ беради:<br>Назорат саволларига огзаки жавоб бериш . | Тинглайди<br><br>Мустақил ишлаш учун топшириқни ёзиб олишади ва бажаради |

1-илова

Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси тушунчасидан фойдаланиб "Ҳуқуқшунослик бўйича стандартларни ҳар биримиз билишимиз шарт?" саволини ўртага ташлайди."

Ушбу савол бўйича эссе ёзилади.

2-Илова

Ўқув топшириқ:

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Аҳолини иш билан таъминлаш қандай мақсадларни олдига қўйган?
2. Меҳнат шартномасини тўзиш деганда нимани тушунасиз?
3. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари деганда нимани тушунасиз?
4. Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси қандай аҳамиятга эга?
5. Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби, аҳамияти қандай?

3-илова

Ўқув топшириқ
БББ жадвали

| *№* | *Мавзу саволлари* | *Биламан* | *Билишни Истайман* | *Билиб олдим* |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Аҳолини иш билан таъминлаш қандай мақсадлари буйича. | | | |
| 2. | Меҳнат шартномасини тўзиш | | | |
| 3. | Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби. | | | |

*Меҳнат ҳуқуқи мавзуси бўйича малий машғулотни олиб бориш технологияси*

| | |
|---|---|
| Талабалар сони: *30 та* | Вақти: *1 соат.* |
| Ўкув мағулотининг шакли | *Кўргазмали маъруза* |
| Машғулот режаси | 1.Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, субъектлари, тамойиллари ва манбалари.<br>2. Аҳолини иш билан таъминлаш. Меҳнат шартномасини тўзиш ва бекор қилиш асослари.<br>3. Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси.<br>4. Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тўлаш.<br>5. Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби. |
| Ўкув машғулотининг мақсади | *Меҳнат ҳуқуқи ҳақида маълумот бериш* |
| Педагогик вазифалар: | Укув фаолияти натижалари: |
| Меҳнат ҳуқуқи, субьектлари, тамойиллари, манбалари ҳақида тушунча сўралади; | Меҳнат ҳуқуқи субьектлари, тамойиллари, манбалари бўйича тушунчаларни айтиб берадилар ; |
| Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат шартномасини тўзиш ва бекор қилиш асослари ҳақида тушунча ва маълумотлар сўрайди; | Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат шартномасини тўзиш ва бекор қилиш асослари ҳақида тушунча ва маълумотлар ҳақидаги билимларни изоҳлайдилар; |

| | |
|---|---|
| Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси буйича маълумотлар сўралади; | Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси ҳақида билиларини изоҳлай оладилар; |
| Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тулаш ҳақида тушунча баҳоланади: | Меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти ва таътил. Меҳнатга ҳақ тулаш ҳақида билимларини айта оладилар; |
| меҳнат ҳақида ҳужжатлар моҳиятини тушунтиради; | меҳнат ҳақидаги ҳужжатлар бўйича маълумотлар бера оладилар; |
| Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартибини тушунчасини таҳлил этиш. | Меҳнат низолари ва уларни ҳал қилиш тартиби ҳақида тушунчаларни тушунтириб берадилар. |
| Ўқитиш усуллари ва техника | маъруза, «Меҳнат интизоми ва меҳнат муҳофазаси», бахс-мунозара. |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер технологияси, проектор,слайдлар, тарқатма манба. |
| Ўқитиш шакли | Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш |
| Ўқитиш шарт-шароитлари | Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усулларини қўллаш мумкин бўлган ўқув хона. |
| Мониторинг ва баҳолаш | Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ. |

Амалий машғулотнинг технологик харитаси.

| Фаолиятбоскич-лари | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Талаба |
| 1-боскич. мавзуга кириш (10ин) | 1.1. Амалий машғулотнинг режасини эълон қилади. | Тинглайдилар Машғулот режасини ёзиб оладилар |
| | 1.2. машғулотни бошлашдан олдин ақлий ҳужум уюштиради. | Саволларга жавоб берадилар |
| 2 -боскич. Асосий бўлим (60 мин) | 2.1. машғулотнинг саволлари бўйича суҳбат тарзида машғулотни ташкил қилади | Тинглайдилар. Мунозарада иштирок этадилар |
| | 2.2. Ахборотнинг турлари ҳақида талабалар ёрдамида кластер яратади. | Кластер яратишда иштирок этадилар |
| | 2.3. Маърузанинг саволлари бўйича савол жавоб ўтказади. | Саволларга жавоб берадилар |
| 3-боскич. Якунловчи (10 мин) | □ 3.1.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. | Саволлар берадилар |
| | □ Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | Тинглайдилар |

«Қарорлар шажараси" методи муайян фан асослари борасидаги бир кадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта тахлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган тех ник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул шлинган қарор (хулоса)лар мойиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Бу метод орқали жиноят, фуқаролик, хўжалик, оила ва шу каби кўплаб ҳуқуқ соҳаларидаги мавзуларни ўқитишда қўллаш мумкин.

Гуруҳ ёки синф ўқувчилари иштирокида қўлланиладиган "Қарорлар шажараси" бир неча ўн нафар ўқувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан ошлона қарор қабул шлиш (хулосага келиш)да ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мафбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчилар куйидаги чизма асосида тўзилган жадвални тўлдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар):

Қарорлар шажараси

..............................................................................................

Муаммо

..............................................................................................

1 2 3

Ғоя ғоя ғоя

..............................................................................................

ҚАРОР

..............................................................................................

“Қарорлар шажараси" методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, тахлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи ўқувчиларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорлар қабул килиниши учун муайян вакт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Улар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гурухи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчилар раҳбарлигида барча ўқувчилар билдирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар.

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

"Қарорлар шажараси" методининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу метод бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Мазкур лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

| "Корхона раҳбари ва ходим низоси" | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| УМУМИЙ МУАММО | | | | | |
| 1-қарор варианти | | 2-қарор варианти | | 3-қарор варианти | |
| Афзалл | Камчил | Афзалл | Камчил | Афзалл | Камчил |
| | | | | | |
| ҚАРОР: | | | | | |

Мана шу метод асосида фанларни ўқитишда дарс жараёнини ташкил этишда гуруҳдаги ўқувчиларда икки тоифа ажралади: Актив ва пассив.

Биринчи тоифадаги ўқувчилар – активлар, яъни диққат эътиборини тез жамлай оладиган, хотираси кучли ва фанни тез ўрганиб, ўзлаштира оладиганлар. Улар бу метод орқали, фан мавзусини назарий жиҳатдан ўрганганини амалиётда таҳлил қилишни тез ўзлаштиради.

Иккинчи тоифадаги ўқувчилар – пассив, яъни информацияни секин қабул қиладиган, ўзлаштириш тезлиги паст ўқувчилар. Улар бу метод орқали дарс назарий тушунчасини ва якуний хулосани такрорлаш, қайта такрорлаш орқали иштирокчига айланади. Бу билан биз дарсларни оптималлаштришга эришган бўламиз.

*Мавзуга оид таянч иборалар:*

Меҳнат; ижтимоий ҳимоя; меҳнат қонунчилиги; локал ҳуқуқий ҳужжатлар; меҳнат ҳуқуқи тизими; меҳнат ҳуқуқи институтлари; меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат ҳуқуқи услублари.

*Мавзуга оид назорат саволлари:*

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнат қонунчилигининг аҳамияти нималардан иборат?
3. Меҳнат ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги.
4. Меҳнат ҳуқуқининг услублари деганда нимани тушунасиз?
5. Меҳнат ҳуқуқи предмети тушунчаси.
6. Меҳнат ҳуқуқининг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Меҳнат ҳуқуқи тизими неча қисмдан иборат?
8. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Меҳнатга оид муносабатлар қандай хусусиятларга эга?
10. Меҳнат соҳасида ташкилий бошқарувга оид муносабатлар деганда нима тушунилади?

## Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // "Ўзбекистон", Т:.1995.

2. Каримов И. Қонунлар Халқ хизматида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясидаги нутқ. // "Халқ сўзи", 1996. 27 декабр.

3.Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. //Т.1. Тошкент, 1996.

4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. //Т.2. Тошкент, 1996.

5. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни орқага қайтмайди // Халқ сўзи 2002. 5 апрель.

6. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир”/Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Т.: “Ўзбекистон”. 2010 Б-14.
7. Каримов И. А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маъруза.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент "Ўзбекистон". 2010 йил.
9.Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. Т., "Адолат", 2010 йил.
10.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.- 496
11. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги 1993 йил 6 май қонуни
12.Саидов А., Таджиханов У. Одилқориев Х. “Давлат ва ҳуқуқ асослари”.Дарслик.// Т:“Шарк”, 2002.
13. Турсунов Й. «Меҳнат ҳуқуқи» уқув қулланмаси. Т. «Молия» 1999 й.
14. Турсунов Й.Т. , Усмонова М.А. «Меҳнат ҳуқуқи» ўқув қўлланма. Т. «Молия» 2001
15. Турсунов Й.Т. «Меҳнат ҳуқуқи». Дарслик. Т. «Молия» 2002 й.
16. Ўзбекистон Республикаси меҳнат Қонунчилиги бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005 й.
17. Усманова М.А., Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2006 й. 250 б.
18. Давлат ва хуқуқ назарияси (дарслик). Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.:Ўз.Рес.ИИВ Академияси, 2009.-592 б
19. Davlat va huquq nazariyasi (darslik). H.B.Boboev, H.T.Odilqoriev. –T.: O`z. Res.IIV Akademiyasi, 2009. -568 b

## 8-МАВЗУ: ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ.

### РЕЖА:

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва манбалари.
2. Никохни тузиш тартиби ва шартлари.
3. Эр-хотиннинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари хамда мажбуриятлари.
4. Никохни бекор килиш ва алимент ундириш тартиби.

Оила ҳуқуқи – бу эр-хотинлар, кариндошлар ота-оналар ва болалар уртасидаги шахсий номулкий ва улар билан боглиқ мулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармогидир

Оила ҳуқуқ предмети – оилавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1998 йил 10 апрелда қабул килинган, 1998 йил 1 сентябрдан кучга кирган Оила Кодекси оила ҳуқуқининг асосий манбаси хисобланади.

Оила жамиятнинг асосий бугинидир хамда жамият ва давлат мухофазасида булиш ҳуқуқига эга (УзР Конституцияси 63-м).

Никох тузиш шартлари:

- Ўзаро никох тузишни истаган шахсларнинг никох ёшига етганлиги;
- Никохдан утувчиларнинг ўзаро розиликлари ва бошқалар;

БУНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

"Никох ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади". (Оила Кодекси 15-м).

ТОПШИРИҚ-1.

1. Никох тўзишга, монеълик киладиган холатларни айтиб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила хакида нималар дейилган?

Ўзбекистон Республика Оила кодексининг 13-моддасида никох тўзиш тартиби белгилаб куйилган. Унга кура, никох ФХДЁ (Фукаролик холати далолатномаларни кайд этиш органи)да тўзилади.

БУНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

| |
|---|
| Факат Диний расм-русумларга биноан тўзилган никох ахамиятга эга эмас. |

Никох тўзиш ФХДЁ га ариза берган кундан бошлаб бир ой утгандан кейин, уларнинг шахсан узлари иттифокида амалга оширилади.

Никох тўзиш муддати кечиктирилиши ёки кискартирилиши мумкинми? Агар мумкин булса, кандай холатларда?

Никох руйхатдан утгандан бошлаб эр-хотин уртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқларига фамилия танлаш ҳуқуқи, оила турмуш масалаларини биргаликда хал килиш ҳуқуқй, фуқаролик, яшаш жойи, касб танлаш, никохни бекор килиш масалаларини хал этиш ҳуқуқи ва бошкалар киради.

"Оила ҳуқуқи " мавзуси маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| Талабалар сони 20-50та | Укув соати -4 соат |
| Машғулот шакли | Кургазмали маъруза машғулоти |
